

QILA DAVRASIDA

Mustahkam oila – yurt tayanchi

№ 39-40
(437-438)
2020-yil
1-oktabr
payshanba

www.od-press.uz

Ijtimoiy-siyosiy, ma`naviy-ma`rifiy gazeta

Gazeta 2012-yil may oyidan chiqa boshlagan.



ЭНГ БОЙ МУАЛЛИМЛАР
қолдирган мерос нима бўлган?

4-бет

ОР-НОМУС ТУЗОФИ
ёки бойлик ва хориж дабдабаси

10-бет

ТАЪЛИМДАГИ РИВОЖЛАНИШ АСОСИ

инсон омилига муносиб муносабат

5-бет



Рислиғой ҲОТАМОВА:
«АНА ШУЛАРГА ЖУДА АЧИНАМАН»

11-бет

У – МЕНИНГ МУАЛЛИМИМ

6-7-бет



ШИФОХОНАДА ЭЛЕКТР УЧДИ...

Бу одамлар ўлимига олиб келмоқда

12-бет



«Мактаб муаммосига биринчи даражали масала деб қарашимиз лозим. Мактаб – фақатгина таълим берадиган маскан эмас, барчамиз учун юсак маънавият бешигига, фарзандларимизни болалиқдан бошлаб касбга ўргатувчи даргоҳга айланиши зарур...»

«Оила даврасида» газетасига

2021 ОБУНА
бошланди

«Оила даврасида» – энг арзон, энг қизиқарли ва оилангизнинг ҳар бир аъзоси учун энг фойдали нашр!



Батафсил маълумот:

+99897731-87-01

Обуна индекси –

193

Шавкат МИРЗИЁЕВ:

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ОСТОНАСИ

Тошкентдаги Халқаро конгресс марказида 1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев иштирок этди.

Таъкидлаш жоизки, ушбу байрам илк бор давлат раҳбари иштирокида ўтди. Бу – мамлакатимизда таълим ва тарбия масаласи алоҳида устувор йўналиш даражасига кўтарилганининг яққол далили.

Президент Шавкат Мирзиёев мамлакатимиз ўқитувчи ва зиёлиларга мурожаат йўллади.

БМТда Ўзбекистон ёшлар ҳуқуқларини кўтарди

«Биз ҳар биримиз ҳаётда қандай муваффақият ва натижаларга эришган бўлсак, бу ютуқларда сизларнинг беқиёс ҳиссангиз борлигини доимо миннатдорлик билан эътироф этамиз. Шу боис, мана шундай қувончли кунда барча шогирдларингиз, бутун халқимиз номидан сизларга юксак ҳурмат-эътиромимиз, эзгу тилақларимизни билдириб, чин дилдан таъзим қиламиз», – деди Президент.

«Улуғ шоиримиз мавлоно Фурқат илм-маърифатни кўнгилаб сурури, кўрар кўзларнинг нури, деб таърифлаганини ҳаммамиз яхши биламиз.

Дарҳақиқат, миллионлаб фарзандларимиз қалбига илм-фан зиёсини сингдириб, уларни эл-юртга муносиб инсонлар этиб тарбиялаётган заҳматкаш ва олижаноб устозларимизга ҳар қанча таҳсинлар айтсак, арзийди.

Мен бугун билдирадиган фикрларни, аввало, ҳурматли муаллим ва ўқитувчиларга, кадрли тарбиячиларга, барча жонкуяр зиёлиларимизга йўланган мурожаат сифатида қабул қилишингизни истардим», дея таъкидлади давлатимиз раҳбари.

Қайд этиш жоиз, **Ўзбекистон Президенти Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида сўзлаган нутқида бошқа кўпгина муҳим масалалар қаторида Ёшлар ҳуқуқлари бўйича халқаро конвенцияни қабул қилишга оид Ўзбекистон ташаббусига яна бир бор жаҳон ҳамжамиятининг эътиборини қаратди.**

«Ёшлар ҳуқуқи деганда, биз, биринчи навбатда, уларнинг тинч ва соғлом яшаш ҳамда таълим олишга бўлган тўлақонли ҳуқуқини тушунамиз. Шу боис, униб-ўсиб келаётган ёш авлодимизнинг баркамол бўлиб вояга етиши, сифатли ва мукамал таълим олишини таъминлаш биз учун ҳамиша устувор вазифа ҳисобланади.

Бутун дунё давлатлари қатори Ўзбекистон ҳам коронавирус пандемиясини бошидан кечираётган ҳозирги мураккаб даврда мамлакатимиз таълим тизими ҳам жиддий синовга дуч келди. Бугунги кийин шароитга қарамадан, давлатимиз томонидан ўз вақтида кўрилган чора-тадбирлар ва сизларнинг фидокорона меҳнатингиз билан бу борадаги ишларимиз изчил давом эттирилмоқда. Жумладан, қисқа муддат ичида юртимизда «онлайн мактаб» лойиҳаси ва масофавий таълим жорий этилди.

Яқинда республикамизнинг аксарият мактабларида, карантин қоидаларига амал қилган ҳолда, янги ўқув йили бошланди. Эзгу анъанамизга мувофиқ, қарийб 650 минг нафар 1-синф ўқувчисига Президент совғалари сифатида 72 миллиард сўмлик ўқув қуроллари топширилди. Шунингдек, моддий ёрдам ва кўмакка муҳтож, боқувчисини йўқотган оилаларнинг фарзандлари ва ногиронлиги бўлган болаларга кишки кийим-бош тўпламлари, мактаб фор-

маси ва ўқув қуролларидан иборат 426 миллиард сўмлик моддий кўмак берилгани ҳам ана шундай эзгу ишларимиз қаторига қиради.

Айни вақтда, бугунги вазиятдан келиб чиққан ҳолда, ўқувчи ва педагогларнинг саломатлигини асраш масаласи барчамизнинг алоҳида эътиборимиз марказида турибди. Шу мақсадда мактабларни зарур тиббий ва антисептик воситалар билан таъминлаш учун Инкирозга қарши кураш жамғармасидан 17 миллиард сўм маблағ ажратилди.

Хабарингиз бор, бу йил 1,5 миллионга яқин ёшларимиз олий ўқув юрталарига кириш учун ҳужжат топширди. Бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 40 фоизга кўп демакдир. Биз мана шундай оғир вазиятда тест синовларини очик стадионларда, эпидемиологик хавфсизлик талабларига қатъий амал қилган ҳолда, муваффақиятли ўтказишга эришдик.

Буюк давлат арбоби Индира Гандининг «**Битта қиз болани ўқитсангиз, бутун оилани ўқитган бўласиз**», деган сўзларида қатъий ҳақиқат борлигини албатта ҳаммамиз яхши тушунамиз. Шунинг учун жорий йилда қишлоқ жойларда яшаётган, кам таъминланган оилаларга мансуб қизларимиз олий ўқув юрталарининг кундузги бўлимида давлат гранти асосида ўқишлари учун 940 та ўрин ажратдик.

Ўйлайманки, қизларимиз учун яратилган бундай қўшимча имконият яна юзлаб оилаларга билим ва маърифат нури олиб қиради. **Бу, ўз навбатида, ёш қизларимизнинг келажакда жамият учун муносиб касб эгалари бўлиб камол топишига пухта замин яратади.** Биз бу борадаги ишларимиз кўламини бундан кейин ҳам янада кўпайтириб борамиз», деди Шавкат Мирзиёев.

Тараққиётнинг тамал тоши «Бир ўйлаб кўрайлик, дунёдаги ривожланган давлатлар қандай қилиб юксак тараққиёт ва турмуш фаровонлигига эришмоқда? Энг аввало, илм-фан ва таълимга қаратилган улкан эътибор туфайли эмасми?»

Шунинг учун ҳам кейинги йилларда юртимизни ҳар томонлама тараққий эттириш, янги Ўзбекистонни яратиш мақсадида барча соҳалар қатори таълим тизимида ҳам туб ислохотлар олиб борилмоқда.

Бу борада ўнлаб муҳим фармон, қарор ва дастурлар қабул қилингани сизларга яхши маълум. Мана, куни кеча тасдиқланган «Таълим тўғрисида»ги қонун ушбу соҳа тараққиётида, ҳеч шубҳасиз, янги уфқларни очиб беради. Қонунга мувофиқ, таълим олишнинг масофавий, инклюзив шакллари жорий қилинди, таълим ташкилотларига хорижий муассасалар билан қўшма факультет ва ўқув марказлари ташкил қилишга рухсат этилди. Шунингдек, ўқитувчиларга муаллифлик дастури ва ўқитиш услубларини жорий этиш, замонавий

педагогик шакллар, ўқитиш ва тарбия усулларини эркин танлаш ҳуқуқи берилди», дея қайд этди Президент.

Давлатимиз раҳбари ўз мурожаатида кенг қўламли демократик ўзгаришлар, жумладан, таълим ислохотлари орқали **Ўзбекистонда янги Уйғониш даври, яъни Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш асосий мақсад қилиб белгиланганини** таъкидлади. «Бу ҳақда гапирар эканмиз, аввало, учинчи Ренессанснинг мазмун-моҳиятини ҳар биримиз, бутун жамиятимиз чуқур англаб олиши керак», деди Шавкат Мирзиёев.

Таълимда миллий рух

«Буюк аждодларимизнинг бетакрор ва ноёб илмий-маънавий мероси биз учун доимий ҳаракатдаги ҳаётий дастурга айланиши керак. Бу ўлмас мерос ҳамиша ёнимизда бўлиб, бизга доимо куч-қувват ва илҳом бағишлаши лозим. Авваламбор, миллий таълим тизимини ана шундай рух билан суғоришимиз керак. **Бунинг учун олим ва мутахассисларимиз, ҳурматли уламоларимиз бу маънавий хазинани бугунги авлодларга содда ва тушунарли, жозибали шаклларида етказиб беришлари зарур.**

Шу муносабат билан Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Маданият вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Мусулмонлар идораси, Халқаро ислом академияси, Ислом цивилизацияси маркази буюк мутафаккирларимизнинг илмий-маърифий ва маданий меросини фундаментал асосда нашрга тайёрлаш, чоп этиш ва кенг оммага етказиш, шунингдек, уни ўрганиш методикасини ишлаб чиқиб, амалда қўллаш чора-тадбирларини кўрсин», деди мамлакатимиз раҳбари. Бу масалага Бош вазир ўринбосари Б.Мусаев масъул этиб белгиланди.

Намунали мактаблар ташкил этилади

«Нима учун бошқа вилоятларда, дейлик, Андижонда, Фарғона, Самарқанд, Хоразм ёки Қаршида, Жиззах ва Сирдарёда бундай мактаблар йўқ?», дея долзарб саволларни ўртага ташлади Шавкат Мирзиёев.

Шу боис Халқ таълими вазирлиги ҳудудлар раҳбарлари билан биргаликда ҳар бир туманда камида биттадан мана шундай мактаб яратиш чораларини кўриши зарурлиги қайд этилди.

«Ўзингиз раҳбарлик қилаётган вилоятларда мана шундай намунали мактаблар ташкил этиш учун сизларга олти ой муҳлат берамиз.

Албатта, янги мактабларни қуриш, чиройли қилиб жиҳозлаш, безаш мумкин, лекин уларни замонавий маъно-мазмун, илм-маърифат, тарбия билан тўлдириш қўлимиздан келадими?», дея Президент маҳаллий раҳбарлар олдига масалани аниқ қўйди.

Стратегик вазифа

«Биз Учинчи Ренессанс масаласини стратегик вазифа сифатида олдимизга

қўйиб, уни миллий ғоя даражасига кўтармоқдамиз.

Биз мактабгача таълим ва мактаб таълими, олий ва ўрта махсус таълим тизими ҳамда илмий-маданий муассасаларни бўлғуси Ренессанснинг тўрт узвий ҳалқаси, деб биламиз. Боғча тарбиячиси, мактаб муаллими, профессор-ўқитувчилар ва илмий-ижодий зиёлиларимизни эса янги Уйғониш даврининг тўрт таянч устунни, деб ҳисоблаймиз.

Мен ишонаман – ҳурматли ота-оналар бу ташаббусни албатта қўллаб-қувватлаб, янги Ренессанснинг бешинчи ҳалқаси, бешинчи устунни бўладилар», деди Шавкат Мирзиёев.

Мактабгача таълим

Бугун йирик шаҳарларимиздан тортиб, чекка туманлар, қишлоқ ва овулларимизда янги-янги замонавий боғчалар барпо этилмоқда. Қисқа вақт, яъни тўрт йил ичида республикамизда боғчалар сони 3 баробар ошиб (*5 минг 200 тадан 14 минг 200 тага*), болаларни қамраб олиш даражаси 28 фоиздан 54 фоизга етди.

Давлатимиз раҳбари шу ҳақда тўхталиб, соҳага давлат-хусусий шериклик механизми жорий этилиши туфайли 223 мингдан ортик ўринга эга бўлган 7 минг 400 та хусусий боғча ташкил қилингани, бу мақсадлар учун 1 триллион 850 миллиард сўм имтиёзли кредит маблағлари йўналтирилиб, 20 мингга яқин янги иш ўрни яратилганини қайд этди.

«Соҳада давлат-хусусий шериклик тизимини ривожлантириб, нодавлат секторнинг улушини 75 фоизга етказиш, мактабгача таълим қамровини эса 80 фоиздан ошириш зарур.

Болалар боғчалари учун кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг амалдаги тизими давр талабларига жавоб бермайди. Қолаверса, мактабгача таълимда замонавий ўқитиш шакллари, янги педагогик ва ахборот технологияларини жорий қилиш масаласи ҳам долзарб бўлиб турибди», дея таъкидлади Президент.

Вазирлар Маҳкамасига икки ой муддатда мактабгача таълим соҳасидаги ушбу муҳим вазифалар ижроси юзасидан ҳукумат қарорини қабул қилиш вазифаси топширилди.

Ўқитувчига эътибор

«Яшириб нима қилдик, кўп йиллар давомида ўқитувчига эътибор борасида сўзимиз бошқа, ишимиз бошқа бўлиб келди. Оқибатда соҳа ходимлари гўёки кераксиз ва ҳимоясиз қатламга айланиб қолди. Мактаб ўқитувчиларининг асосий вазифаси бир четда қолиб, уларни ўзларига мутлақо алоқаси бўлмаган ишларга жалб этиш чуқур илди олдди. Янаям очикроқ айтсак, муаллимларнинг «хўжайини» кўпайиб кетди. Бундай ноҳўя ишлар нафақат таълим сифатига, балки соҳа ходимларининг ўз касбига бўлган муносабатига ҳам салбий таъсир кўрсатди. Қанчадан-қанча тажрибали ўқитувчилар дили оғриб, севган касбини ноилж ташлаб кетганини ҳам биламиз.

Мана, яқин-яқингача ўқитувчи-муаллимлар, айрим жойларда ўқувчилар ҳам, тўрт ойлаб пахта йиғим-терими, чопиқ ва яғанага чиқарилгани сир эмас. Нағижда ўқитувчи бир ойда ўртача

МАКТАБДАН БОШЛАНАДИ



80 соат дарс ўтиши керак бўлса, тўрт ойда 320 соат йўқотадиган вазият вужудга келди. Ўз навбатида, ўқувчи бир ойда 136 соат сабоқ оладиган бўлса, тўрт ойда 544 соат дарсни бой беришга мажбур бўлди.

Агар бу рақамларни ўн бир йилга кўпайтирсак, биласизми, қанча бўлади? Бу, ахир, юқори синф ўқувчилари учун белгиланган 8,5 минг соатлик ўқув дастурининг қарийб 3 минг соати – 30 фоизи далада мажбурий меҳнатда ўтди, дегани эмасми? Бошқача айтганда, бола 11 йил ўрнига атиги 7 йил ўқишга мажбур бўлди.

Яратганга шукрки, бундай салбий ҳолатлар энди тарихда қолди. Ҳамма соҳани ўз эгасига, жумладан, қишлоқ хўжалигини ҳам фермер ва кластерларга топшираётганимиз тўғрисида бунга эришмоқдамиз.

Жамиятда устоз ва мураббийларга қаратилаётган эътибор тўғрисида қарийб 15 минг нафар эркак ўқитувчи мактабларга қайтди. Аммо, шуни таъкидлаш керакки, ҳали бу борада кўзланган натижага эришганимиз йўқ. Ҳозирги кунда ҳам халқ таълимидаги педагогларнинг қарийб 70 фоизини аёл ўқитувчилар ташкил этмоқда», деди Шавкат Мирзиёев.

Ўқитувчиларнинг доимий ва узлуксиз психологик кўникмаларини ривожлантириш мақсадида Халқ таълими вазирлиги қошидаги ҳудудий малака ошириш институтида синф раҳбарларини тайёрлаш бўйича алоҳида ўқув курслари ташкил этиш вазифаси қўйилди.

«Бугунги кунда жамиятимизда ўқитувчи ва мураббийларнинг қадди, шаъни ва ғурури тикланаётгани барчамизни қувонтиради. Айни вақтда бу ўта муҳим масала энг долзарб вазифамиз эканини алоҳида таъкидлаб, уни амалга ошириш бутун жамиятимизнинг бурчига айланишини истардим.

Фарзандларимиз мактабдан қанчалик билимли бўлиб чиқса, юқори технологияларга асосланган иқтисодиёт тармоқлари шунча тез ривожланади, кўплаб ижтимоий муаммоларни ечиш имкони туғилади. Шундай экан, **Янги Ўзбекистон остонаси мактабдан бошланади** десам, ўйлайманки, бутун халқимиз бу фикрни қўллаб-қувватлайди», деди Президент.

Ўқитувчининг мақоми

«Мамлакатимизнинг келгуси таъриқини ўйлаб, ўқитувчи ва муал-

лимларнинг ҳаётимиздаги нуфузи ва мавқеини ошириш мақсадида уларнинг мақоми қонун даражасида белгилашни таклиф қиламан. Ушбу қонунда ёшларга таълим ва тарбия бериш жараёнида ўқитувчилар ўзларининг салоҳиятини тўлиқ намоён этишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш, уларни ижтимоий, ҳуқуқий, моддий қўллаб-қувватлаш чоралари қафолатланиши керак. Жумладан, мактаб директори, унинг ўринбосари, синф раҳбари, ўқитувчининг мақоми аниқ белгиланиши лозим.

Ўқитувчиларга устамалар тўлаш, уларни рағбатлантириш мезонлари ҳам тўлиқ қайта кўриб чиқиши зарур. Амалда бу масала ўта мураккаблиги ва ортиқча қоғозбозлик талаб қилиши ҳам ҳақиқат. Бунда аксарият эскирган қонуности ҳужжатлари қайта кўриб чиқилиб, бекор қилинса, ўйлайманки, мақсадга мувофиқ бўлади», дея таъкидлади давлатимиз раҳбари.

Мактаб жамоатчилиқка ҳисобот беради

«Бугун шиддат билан ривожланаётган замон ҳар биримиздан доимо изланиб, ташаббус кўрсатиб, янгича ишлашни талаб этмоқда.

Бир ўйлаб кўрайлик, нега қанчадан-қанча мактабларда битирувчиларнинг 10 фоизи ҳам олийгоҳларга қира олмаяпти? Ота-оналар репетитор ёллаб, пул тўлаб болаларини ўқишга тайёрлашга мажбур бўляпти.

Савол туғилади: нима учун аксарият мактабларимиз 11 йил ўқитган ўқувчилар олийгоҳга қира олмаяпти-ю, репетитор 2 йилда бунга эришяпти?

Бу саволлар ҳар бир мактаб ўқитувчиси, жамоаси ва директорини, ҳар қайси виждонли педагогни ўйлантириши зарур, деб ўйлайман.

Энди мактаб жамоатчилиқ олдида ҳисобот берадиган бўлади. Мактабни битирган ўқувчи олийгоҳга кириши керак ёки мактаб давридаёқ бирор-бир касб-ҳунарга эга бўлиши шарт. Айнан шу мезон асосида мактаб жамоаси ва директори фаолиятига баҳо берилади», дея таъкидлади Президент.

Долзарб масала

Муаллим ва ўқитувчиларнинг билими ва малакасини ошириш ҳақида гапирар экан, давлатимиз раҳбари бугун жамиятимизда долзарб бўлиб турган яна бир масалага тўхталиб ўтди.

«Айтинг-чи, ўқитувчи ўз устида ишлаши, билим ва маҳоратини ошириши учун қўшимча методик ёрдамни қаердан олади? Албатта, шу соҳага оид китоб ва қўлланмалардан, махсус педагогик нашрлардан олади.

Афсуски, биз кейинги йилларда «мажбурий обуна» баҳонасида ихтиёрий обунани ҳам йўқ қилдик. Бунинг натижасида мактаб ва олийгоҳларнинг ўқитувчи ва домлалари ўзлари учун зарур бўлган газета ва журналлардан ажралиб қолди. Шундай аянчли ҳолга келдикки, ҳатто айрим раҳбарлар газета ўқимаслиги билан мактанадиган бўлдилар.

Ўзингиз биласиз, дунёда компьютер технологиялари энг ривожланган давлатлардан бири бу – Япониядир. Лекин ушбу мамлакатда қунига 3-4 миллион нусхада нашр этиладиган газеталар борлигига нима дейсиз? Айтмоқчи-манки, ҳаётимизда радио-телевидение, Интернет билан бирга босма нашрларнинг ҳам ўз ўрни бор», дея алоҳида қайд этди Президент Шавкат Мирзиёев.

Бугунги кунда босма нашрларни таълим муассасаларига, ўқитувчи-профессорларга етказиб бериш ҳам жиддий муаммога айлангани, бу борада матбуот тарқатиш ва почта тизимининг фаолияти мутлақо талабга жавоб бермай қўйгани таъкидлаб ўтилди.

Олий таълим муаммолари

«Аввало, соҳада давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш, айниқса, ҳудудларда нодавлат олий ўқув юртинини ташкил этиш секин бормоқда. Мана, Фарғонада Корея билан, Хоразмда Малайзия билан ҳамкорликда олий ўқув юртинини ташкил этиляпти. Лекин, нима учун бошқа вилоятларда бундай ҳаракатлар сезилмаяпти?

Аксарият битирувчиларнинг билим ва малакаси меҳнат бозори талабларига жавоб бермаётганини ҳам тан олишимиз керак. Маҳаллий таълим муассасаларида инновацион фаолият ҳамда тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш даражаси жуда паст. Тизимда илмий даражали ўқитувчилар уллуши ўртача 37 фоиз экани бизни қониқтирмайди. Ҳудудларда бу кўрсаткич янаям паст даражада сақланиб қолмоқда.

Олий таълим масканларини илмий лабораториялар билан жиҳозлаш, тизимда ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш даражаси ҳам паст эканини қайд этиш лозим.

Сир эмас, бугунги пандемия жуда кўп соҳалар қаторида соғлиқни сақлашнинг илм-фан йўналишида ҳам ҳали билимларимиз заиф эканини кўрсатиб қўйди. Барчамиз бундан жиддий ҳулоса қилишимиз керак», деди мамлакатимиз раҳбари.

Учинчи Ренессанс пойдевори

«Барчамиз яхши биламизки, инсоннинг онги ва дунёқараши, фикри ўзгармаса, жамият ўзгармайди. Жамият ўзгармаган жойда ҳеч қандай ижобий натижа ҳам, тараққиёт ҳам бўлмайди. Одамларнинг онгу тафаккурини ўзгартирувчи куч эса, ҳеч шубҳасиз, аввало, ўқитувчи-мураббийлар, олийгоҳ домлалари, илм-фан арбоблари, маданият ва санъат, адабиёт намояндларидир.

Бугун биз яшаётган жамиятга янги фикр, янги ғоя, энг муҳими, ислохотларни амалга оширишга қодир бўлган янги авлод кадрлари керак. Албатта, халқимизнинг мардона меҳнати, ўқитувчи ва мураббийларнинг жонбозлиги тўғрисида таълим соҳасини тубдан модернизация қилиш бўйича кўп иш қилдик. Лекин ҳаммамиз яхши тушунамизки, булар – катта мақсад йўлида ташланган дастлабки қадамлар, холос.

Барчангиз гувоҳсиз, бугун замон шиддат билан ўзгариб, барча соҳалар қатори таълим тизими олдида ҳам ўта долзарб ва мураккаб вазифаларни қўймоқда. Биз дунё миқёсидаги кескин рақобатга бардош бера оладиган миллий таълим тизимини яратишимиз зарур. Шу мақсадда, аввало, таълим масканларининг моддий-техник базасини, кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини замон талаблари асосида такомиллаштириш, ўқув дастурлари ва стандартларини оптималлаштириш, соҳа ходимларининг иш ҳақини босқичма-босқич ошириб бориш, уларнинг машаққатли меҳнати муносиб кадрлаш бундан буён ҳам доимий эътиборимиз марказида бўлади.

Бугун мен, аввало, таълим-тарбия соҳаси фидойиларига, барча юртдошларимизга мурожаат қилиб айтмоқчиман: азиз дўстлар, биродарлар, агар интилсак, астойдил ҳаракат қилсак, ҳар қандай баланд маррани эгаллаш қўлимиздан келади. Биз маърифат борасида, таъбир жоиз бўлса, «илиги тўқ» халқимиз. Илм-фанга интилиш бизнинг қонимизда, бугунги тил билан айтганда, генимизда бор.

Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш – беш-ўн йилда бўладиган иш эмас. Бунинг учун, аввало, юзлаб, минглаб истеъдодли кадрлар, фидойи шахслар керак.

Бугун давлатимиз томонидан илм-фан, таълим ва тарбия, маданиятни ривожлантириш учун қанча куч, қанча маблағ керак бўлса, ҳаммасини топамиз. Қандай имконият зарур бўлса – яратамиз», деди Президент.

«Энг катта бойлик – бу ақл-заковат ва илм, энг катта мерос – бу яхши тарбия, энг катта қашшоқлик – бу билимсизликдир».

Чиндан ҳам, бугун биз улғуниятлар билан пойдевор қўяётган янги Уйғониш даври мамлакатимизда мана шундай улкан бойлик яратишга, халқимизнинг ҳаётини фаровон қилишга ва келгуси авлодларга ўзимиздан муносиб мерос қолдиришга хизмат қилади.

«Мен янги Ўзбекистонни – обод ва фаровон, демократик мамлакатни барпо этишда сиз, муҳтарам педагогларни, профессор-ўқитувчиларни ўзим учун энг катта куч, таянч ва суянч, деб биламан. Сизларнинг ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган фаолиятингизни қўллаб-қувватлаш, сизлар учун муносиб меҳнат ва турмуш шароити яратиб беришни Президент сифатида ўзимнинг муқаддас бурчим, деб ҳисоблайман», деди Шавкат Мирзиёев.

ДУНЁДАГИ ЭНГ БОЙ МУАЛЛИМЛАР

Улардан нималар мерос бўлиб қолган?

Кимдир бу дунёда мол-давлат, фарзандлари ва яқинлари учун яхши имконият ва шароитлар яратиб қолдиради. Яна кимдир ўз манфаатини кўзлаб, номини тарихга муҳрлаш пайида бўлади. Чинакам устоз эса, ўз ҳузур-ҳаловатидан кечиб, миллат келажагини бунёд этади. Минглаб инсонлар дилига илм чироғини ёқади. Уни турли тўфон ва шомоллардан асрайди. Ўзидан сара шогирдлар қолдиради. Ҳаётда унинг учун энг катта бойлик ва мартаба «устоз» деган шарафли номга эга бўлишдир. Шундай шарафга муносиб устозлар ҳамisha шогирдлар ардоғида бўлади.

Устоз ва мураббийлар куни арафасида бир гуруҳ юртдошларимиз билан шарафли устозлар ва уларнинг ҳаётимизда қолдирган ўчмас изи ҳақида фикрлашдик.

«Мени кўпроқ қайғуришган экан»

Қудрат АБДУРАҲИМОВ:

Жуда кўп домла ҳаётимда ўчмас из қолдирган. Шулардан баъзиларини санаб ўтаман.

Маҳалламиздаги математика муаллими менинг аниқ фанларга иктидорим борлигини пайқагач, икки йил мен билан шуғулланган. Болалар мактабдан қайтаётганини кўрса, уйига кирмасдан мени кутиб турарди. Мен эса уйига кириб кетсин, «кел, дарс қиламиз», деб айтмасин, дея атай секин юрардим. Кейин муаллим уйига кирмасдан туравергани учун ўн беш метрлар қолганида устозимни куттирмаслик учун ёлғондан шошган одам бўлиб югуриб борардим. 7-синф ўқувчиси бўлганман ўшанда. Шу устозим ҳеч қандай эвазсиз менга билим берган.

Аслида бошқа устозларим ҳам мендан пул сўрашмаган. Мен ўзим топсам берганман. Топмасам индамаганман. Улар ҳам пул ҳақида гапиришмаган. Ҳатто бир устозимга «бу ой курсга пул бера олмайман», десам: «Ҳа, билдим, оёқ кийим олибсан. Тошкентда киясан. Яхши қилибсан», деганди.

Мактабда испан тилидан мактабимиз директори дарс берган. Мен шунда директордан кўрқанимдан ўқиганман. Ўшанда кўрқиб бўлса ҳам жуда яхши ўзлаштиргандим... Ҳозир дарс ўтмасдан фақат латифа айтиб вақт ўтказган домлалардан хафаман. Айниқса, рус ва инглиз тили устозлари ҳеч бўлмаса ўша латифани хорижий тилда айтиб бе-

ришса ҳам манфаатлироқ бўларди.

Яна бир устозим, илмий раҳбарим Н.Игнатов профессор бўлишига қарамасдан жуда камтар одам. Ҳатто бировга «эшикни ёпиб қўйинг», деб ҳам айтмайди. Шунга ҳам ўзи қилади. Бировга иш буюрмайди, кимдир безовта қилиб қўйишдан ийманади. Баъзи профессорлар эса, ҳамма дарсларини шогирдларига бўлиб бериб дарс ўтишини талаб қилади ва ойликни ўзлари олишади. Мен уч йил мобайнида икки марта Игнатов ўрнига дарс ўтганман. Унда ҳам домлани вазириликдан чақириб қолишгани учун.

Игнатовнинг кўп изланишлари хулосаси Пайғамбаримиз алайҳиссалом суннатларининг математик тасдиғи бўлиб чиқарди. Масалан, домламни «К энг яқин қўшни» номли мақоласи бир ҳадис шарҳига ўхшайди. Лекин ўзлари бу нарсдан беҳабар бўлса керак.

Ўзим ҳам устозлар изидан бориб, шу касбни танладим. Билдимки, устоз ниманидир ўргатаман, деб ўзи яхшироқ ўрганиб оларкан. Энг яхши ўрганиш бу ўргатиш экан.

Устоз меҳнатларининг маҳсули бу – шогирдлар. Агар шогирдлар қанчалик яхши натижаларга эришса, устоз ҳам шу натижаларга эришгандан хурсанд бўлади. Лекин шогирдлар яхши натижаларга эришса, хафа ҳам бўлади.

Менга беминнат таълим берган устозларимга минг раҳмат, дейман.

Чинакам устоз эди

Одина САИДАҲМЕДОВА:

Менинг ҳаётимга жуда катта таъсир кўрсатган устозимнинг исмини айтсам, менимча уни кўпчилик танийди ва менинг бу фикримга қўшилади. Улар, менинг назаримда, чинакам педогог қандай бўлишини амалда кўрсатиб берганлар. Бу инсон – Омонулла Мадаев.



Устознинг жойлари жаннатда бўлсин. Устоз жуда талабчан эдилар. Ҳамма дарсни ташлаб, уларнинг дарсларини қилардик. Ўшанда «бунча кийнайдилар», деган фикр бор эди. Ҳозир яхшиям талабчан бўлган эканлар, дейман.

Устозлар кимгадир билимини улашиш орқали одамларнинг ҳаётда муносиб ўрин топишига ёрдам беришар экан. Ўқитувчилик касбининг энг афзал хусусияти шу бўлса керак.

«Дастлаб хафа бўлганман, лекин...»

Муслимаҳон АБДУЛЛАЕВА:

Бошланғич синф ўқитувчим, биринчи устозим ва академик лицейдаги гуруҳ раҳбарим ҳаётимда катта из қолдирган.

Қаттиққўл ва талабчан устозларимдан дастлаб хафа бўлганман, лекин уларнинг қаттиққўллиги бизнинг фойдамизга экани, келажагимиз учун муҳимлигини англаб етганимда уларни ҳурмат қилганман ва ҳурмат қиламан.

Ўқитувчилик – машаққатли касб. Кимнингдир билим олиши, ҳаётда ўз ўрнини топишига сабабчи бўлиш ўқитувчиликнинг афзал хусусиятларидан бири, деб ҳисоблайман. Чунончи Алишер Навоий бобомиз:

*Ҳақ йўлида ким санга
бир ҳарф ўқитмиш ранж ила,
Айламак бўлмас адо онинг
ҳақин юз санж ила.*

дея марҳамат қилганлари биз учун ҳамisha ўрнатилган зарур, деб биламан.



Ҳаётни ўзгартирувчи сўз

Муштарий ХОЛМУРОДОВА:

Биринчи устозим Инобат Усмонова ҳаётимда из қолдирган.

...Қишда кам таъминланган оилалар фарзандларига киши кийимлар бериларди. Ана шу кийимларга ҳавас билан қараб турган бўлсам керак менга ҳам берганлар. Устозим нигоҳларимдан қалбимдаги нарсани ўқий олганларидан хурсанд бўлганман.

Қаттиққўл ва талабчан устозларни ҳамisha ҳурмат қиламан. Улардан кўп нарсга ўрганса бўлади. Лекин ҳамма нарсанинг меъёри бўлгани яхши.

Устозликнинг энг афзали – биргина сўз кимнингдир ҳаётини ўзгартириб юбориши мумкинлигида.

Буюк ўқитувчи – қанот беради

Моҳияхон УЗОҚОВА:

Устозларимнинг барчаси мен учун бирдек кадрли. Агар бировнинг заррача бўлса ҳам яхши фазилагига гувоҳ бўлсам, чин кўнгилдан яхши кўриб қоламан. Устозларимни қанчалик эъзозлашимни тасаввур қилаверинг энди. Улар менинг онам, отам, акам ва опам. Ердан осмонга олиб чиққан улар эмасми? Бир оғиз насиҳатлари бутун бир дарсликка татийди. Уларни ҳеч қачон унутмайман ва ҳеч қачон миннатдорлигимни ошқора изҳор қилишдан чарчамайман.

Бўлажак устоз сифатида шунга айтишим мумкинки, мураббийнинг талабчанлиги толибнинг муваффақияти асосидир. Талаб ҳамда интизом хушёрликка, доимий изланишга чақиради. Қаттиққўл устозларим, тан олиб айтишим керакки, кўнгилчан устозларимдан кўп бўлган. Уларни айнан шу хислатлари учун ҳам яхши кўраман. Йиллар ўтиб тошдек туюлган қалб аслида фақат меҳрдан иборат эканини ва сизга энг аълосини тилаганини тушунар экансиз. Яхши ҳамки дунёда улар бор экан, акс холда, ҳозирги даражамни фақат орзу қилиб ўтиб кетардим.

Озод Шарафиддинов домлада шундай мазмундаги гап бор эди: Яхши ўқитувчи ўқитади. Буюк ўқитувчи эса руҳлантиради.

Хоҳ у, хоҳ бу йўл билан бўлсин, менимча, шогирдларни руҳлантириб туриш жуда муҳим. Бу нафақат устоз-шогирд ўртасида муҳаббатни уйғотади, балки икки руҳни бир-бирига боғлаб қўяди.

Соатлаб дакки есам ҳам, ортидан айтилган бир оғиз «қизим» деган сўз қалбимни жунбушга келтириб юборади, қароқларим ёшланганини сезмай ҳам қоламан...

Болаларни севиш фазилати

Хуршидбек ҲАМРОҚУЛОВ:

Яхши ўқитувчининг энг эътиборли фазилати – билим олувчиларни яхши кўриши, деб биламан. Ўқувчисини ҳатто ўз фарзандидан ҳам ортиқ кўрадиган устозлар менда шундай таассурот қолдирган.

Бизга мактабда география фанидан дарс берган Ғайбулло Пўлатов деган домламиз бўларди. Мен шу инсоннинг дарсларини ҳалигача эслаб

юрарман, чунки у менинг ҳаётимдан чуқур жой олган. Бизни ҳамisha тергаб, ўз устимизда ишлашга ундаб турарди. Синф раҳбаримиз бўлса ҳам биз учун ота-онамиздай масъул эди. Бир сония вақтимизни бекор ўтказишга қўймасди.

Биз учун билим олишда аниқ мезон ва меъёрларни ишлаб чиққан эдилар. Ҳар куни олти соатдан дарс бўлса, ҳафтасига кундалигимизга энг камида ўн

иккита «беш» тушиши керак эди. Агар ундан кам бўлса, жазолардилар.

Доим бизнинг келажагимизни ўйлаб гапирардилар. Ҳақиқатни ҳамisha одамнинг юзига айтардилар ва бизни жудаям яхши кўрардилар устозимиз.

Шундай устознинг қаттиққўллиги остида биз нафақат география фанини, ҳақиқий илм олишни, дарс қилишни, ўз устимизда ишлашни ўргандик.

ТАЪЛИМ ИСЛОҲОТЛАРИ

Инсон омилига муносиб муносабат кўрсатишдан бошланиши керак эмасми?

Мактаб таълимнинг сифати ҳаммани бирдай ташвишлантириб келаётган муаммодир. Бизда йиллар давомида на таълим, на тарбия беришнинг аниқ ва реал мезонлари ишлаб чиқилиб, амалиётга тадбиқ этилган эмас.

Дехқонча қилиб айтганда, мактабда ўн бир йил тер тўкиб ўқиган ўқувчи билан шунчаки ўқишга қатнаб-қатнамай базўр битирган бола орасидаги тафовут ҳеч қандай меъёрлар билан ўлчанмайди. Назорат ҳам бўлмайди. Буни ўлчаш учун зарур бўладиган «тарози» ҳали яратилмаган. Шундай бўлса ҳам мактаб таълимнинг сифати ҳақида кўп гапирилади. Бу гаплар эса сув йўқ жойда кеманинг сузиши каби ғайритабиий ва ҳайратланарлидир.

Таълим сифати масаласи жуда кўп жиҳатлар билан боғлиқ бўлса-да, энг кўп муҳокама қилинадиган ва кўпчиликнинг норозилигига нишон бўладигани бу – ўқитувчилар. Бу гап қанчалик ҳолис ва асослилиги жуда кам мулоҳаза қилинади.

Аввало, «бизда кимлар ўқитувчи бўлади?» деган саволнинг қўйилиши жуда муҳим. Буни ҳеч қандай таҳлил, ўрганиш, кузатув ва фактларсиз ҳам ҳамма яхши билади: бизда биринчи навбатда кизлар ўқитувчи бўлади. Келажак авлодни ўқитиб-тарбиялаш, миллатнинг қаддини кўтариш учун эмас, айрим ота-оналарнинг назарида ўқитувчилик «қизларбоп касб» бўлгани учун! Яна бошқа омилар ҳам бор: ушбу йўналишга кириш нисбатан осон, ўрин кўп, давлат гранти ҳам шунга яраша. Контракт миқдори ҳам нисбатан пастроқ ва ҳоказо. Шунинг учун ҳам ота-она охириги имконият сифатида фарзандини ҳеч бўлмаса муаллимликка «илинтириб қўяди».

Бизда негадир хориждаги айрим давлатлар тажрибасида учрайдиган мактабни тўлиқ аълога битирганлар биринчи галда таълим-тарбия соҳасида ўқиши учун квоталар белгиланмаган. Бизда бундай ўқувчилар (*катталарнинг маслаҳати билан*) биринчи навбатда пултопар соҳаларга йўналтирилади. Таълимда эса, оила боқиш учун унчалик катта масъулият берилмайдиган аёллар ишлашади.

Шундай бўлса-да, мактабларимизда жуда яхши, фидойи ўқитувчилар бор. Энди улар нима билан шуғулланади, деган саволга тўхталиш зарур. Уларга пахта ҳам тердирдик, кўча ҳам супуртирдик, темир-терсак ҳам йиғдирдик, макулатура ҳам топширттирдик. Камига барча мавсумий тадбирларга ҳам кенг жалб қилдик. Сайловлар, марафонлар, акциялар, байрамлар учун ўқитувчи ўз ўқувчилари билан бирга ҳафталаб тайёргарлик кўрди. Юқоридан келадиган текширув ва ҳисобот сўрашлар ўз касбининг устаси бўлган бир қанча ноёб педагогларнинг мактабни тарқатишига сабаб бўлганидан ҳам кўз юмиб бўлмайди...

Ўқитувчининг ўз касби, фаолияти доирасидаги эркинлиги, ҳақ-ҳуқуқларига ҳам бизда ҳаминқадар эътибор қаратилган.

Бу борадаги энг оғир муаммо ўқитувчининг ўз устида ишлаш, маҳоратини ошириш, илмий базасини янгилаб бориш, кутубхонада ишлаш учун вақт тополмаслигидир.

Албатта, бу фикрга эътироз билдирувчилар ўқитувчиларга яратилаётган шарт-шароитлар ҳақидаги ҳисоботларни қалаштириб ташлашлари мумкин. Аслида айнан шу нарсалар, масалан, ўқитувчиларни турли ўқишларга жалб қилиш ҳам ўқитувчилик касбига зомин бўла олади. Дарсдан ташқари вақтларини ўқитувчининг ўз ихтиёрида қолдириш, уни ортиқча банд этмаслик, қисқача айтганда, ўз ҳолига қўйиш бу борада ижобий натижа бериши

сида автомобиль бериш йўлга қўйилди. Бунинг ўзига яраша сабаби бор: бир умр таълимда ишлаб олган маошидан битта машина тугул ҳатто велосипед ҳам олиб минолмаган ўқитувчилар йўқ эмас. Ҳалол бўлишим керак, деб пора олмади. Халқнинг кўзига ўқитувчи бўлиб кўринишим керак, деб ойлигига кийим-бош олди. Оила тебратди. Бу жараёнлар ҳалиям давом этиб келяпти.

Кейинги пайтларда ўқитувчиларнинг ойлигини ошириш масаласида бир қадар ўзгаришлар бўлди. Бу нисбатан катта ҳодиса.

Аммо ўқитувчининг ойлиги ўзининг олдинги миқдорига нисбатан ошди. Бошқа касб эгаларига ёки бозор муносабатларига кўра эмас. Кун келиб ўқитувчи минг доллар ойлик ола бошласа, бошқа соҳа вакиллари ойига камида ўн минг доллар даромад қила бошласа, бу билан ўқитувчи хурсанд бўладими?



«Кичкина одамлар» кинофильмидан лавҳа.

мумкин. Агар ўқитувчининг ҳамма вақти – ҳафтасига беш-олти кун ва кун бўйи ишда бўлишини талаб қилаверар эканмиз бу ўқитувчилик касбининг истиқболига акс таъсир кўрсатиши муқаррар.

Бунда, аввало, ўқитувчининг лавозим вазибалари нималардан иборат эканини аниқлаштириб олиш ҳамда йил давомида қилинадиган иш режасини шу асосда шакллантиригандан кейин унга вазифаси ва режасига алоқаси бўлмаган кундалик, ҳафталик, ойлик мажбуриятлар юкламаслик қатъий тамойилга айлансагина ўқитувчи эмин-эркин ўз ишини қилиши, дарсини бериши, ўз устида ишлаши учун фурсат топа олади. Акс ҳолда, кунда-кунора юқоридан топшириқ олиб, ҳисобот бериб ишлаш тизими унинг иш жараёнига жиддий салбий таъсир кўрсатади. Бундай шароитда ишлаётган ўқитувчидан таълим сифати борасида бирон амалий фаолият кутиш бемаъниликдир.

Ўқитувчилик фаолиятининг моддий жиҳатдан қўллаб-қувватланиши масаласи ҳам таълим сифатида сезиларли таъсир кўрсатади. Яқиндан бошлаб ўқитувчиларга имтиёзли кредитлар асо-

Аммо ўқитувчининг ойлиги ўзининг олдинги миқдорига нисбатан ошди. Бошқа касб эгаларига ёки бозор муносабатларига кўра эмас. Кун келиб ўқитувчи минг доллар ойлик ола бошласа, бошқа соҳа вакиллари ойига камида ўн минг доллар даромад қила бошласа, бу билан ўқитувчи хурсанд бўладими?

Ҳар бир ўқитувчи ҳар бир ойлигига биттадан машина ололмаса ҳам ҳеч бўлмаганда икки-уч йил оиласидан орттирган пулини йиғиб, бир уловни бўлиб олса, шу ҳам оламшумул воқеа бўлар эди.

Ўқитувчининг ижтимоий мақоми юқоридаги ҳамма жиҳатлардан келиб чиқиб белгиланяпти. У уйда ота-онасининг гапига кирмайдиган такасалтанг, дангаса, ишқмас, гап уқмас болани ўн бир йил ўқитиб, агар ўқимаса, амаллаб судраб юриб, мактабни битказдиришга мажбур. Ўқувчига танбех бериш ҳуқуқи йўқ (*Бундай пайтда ота-она ўртага тушади*). Ўқувчини ўқитиш, баҳолаш, тарбиялаш унинг қатъий мажбурияти. Бу мажбуриятни бажаришда унга ҳамкор бўлиши керак бўлган ота-она ва меҳнат жамоаси фақат буйруқ бериш, топшириқ юклаш, ҳамиша ҳар қандай ҳолатда ўқитувчини айбдор деб топишдан иборат. Баъзан шундай ҳолатлар юзга келадигани, ота-

оналарнинг, меҳнат жамоасининг, ўз оиласи аҳлининг, камига ўқувчиларнинг муносабати ўқитувчини боши берк кўчага киритиб қўяди. Руҳий ҳолатига, соғлиғига таъсир ўтказди. Ҳатто турмушини издан чиқариши мумкин.

Ўз ҳаётига қасд қилган, номусидан айрилган ўқувчи учун ўқитувчини айбдор ҳисоблаш, уни турли идораларга қатнашиб, тушунтиришлар олиш ортиқча сарсонгарчилик бўлиб қолади. Ўқитувчи бундай руҳий ҳолатда энди таълим сифати, дарс ўтиш маҳорати, ҳар бир ўқитувчига индивидуал ёндашиб сабоқ бериш хусусида бош қотириши амри маҳол. Бундай пайтларда ўқитувчиларимизнинг аксарияти нозик хилқат саналадиган аёллар эканини ҳам эсдан чиқармаслик керак.

Ҳар қандай зўр ўқитувчи ҳам юқоридан тасдиқланиб келган ўқув дастури асосида дарс ўтишга мажбур. Унда дарсликни, мавзунини ё таълим тизимини танлаш имкони йўқ. Қандай бўлишидан қатъий назар бир хил тизимга солинган маълумотни чайнаб-чайнаб болаларга етказиши керак. Бундай «чайналиш»лардан юқори турадиган ўқитувчининг шахсий маҳорати, йиллар давомида тўплаган ижобий тажрибалари, малакаси қанчалик аҳамиятга эгаллиги масаласи ҳам таълим сифатида таъсир кўрсатади. Ўқувчидаги эҳтиёж ва унга етказиш принципи етакчи аҳамият касб этмас экан, бу борада сезиларли ўзгариш бўлиши қийин.

Японияда ўқитувчининг мавқеи императорниқидан ҳам юқори туради. Германияда ўқитувчи бир ойлигига машина сотиб олиши мумкин. Туркияда ўқитувчи ярим ойлигига Ҳажга бориб келади. Бизда эса...

Бизда ўқитувчилик касбига меҳр қўйган инсон ҳақиқий балогардонга айланади. Ҳар қандай ҳолатда ҳам ўз касбини, меҳнат жамоасини ташлаб кетмайди. Ўттиз-қирк йилдан бери бир жойда ишлаб ўтган фидойи ўқитувчилар кам эмас. Улардан дарс олиб савод чиқарган ўқувчилар аллақачон каттакон бошлиқ бўлиб кетсаям, оддий ўқитувчиликдан ажралмай ишлаб келаётган устозлар матонатига қойил қолиш керак.

Инсон омили ҳамиша биринчи ўринда туради. Агар биз таълим соҳасида сезиларли ўзгаришлар қилишни, жаҳон билан бўйлашишни истасак, бу ислохотни аввало устоз ва мураббийларга ўзларига муносиб муносабат кўрсатишдан бошлаш зарур.

Абдукарим АВАЗБЕКОВ

Бу борадаги энг оғир муаммо ўқитувчининг ўз устида ишлаш, маҳоратини ошириш, илмий базасини янгилаб бориш, кутубхонада ишлаш учун вақт тополмаслигидир.

У – МЕНИНГ МУАЛЛИМИМ



У олий ўқув юртини эндигина тугатиб келиб, бизни она тили ва адабиёт фанидан ўқита бошлаганида 4-синфда ўқиётган эдик. Ҳар биримизга оғизни қандай очиб, унли ҳарфларни талаффуз қилишни ўргатишдан бошлаган дастлабки дарс кейинчалик ҳар ҳафта бошқа синфлар билан ўзаро баҳсга бой кечалар, танловлар ўтказишга уланиб кетди. Барчамиз фаол ўқувчига айландик-қолдик. Мавлонберди Тожибоевнинг дарсларини интиқлик билан кутиш барчанинг одатига айланди.

Биз она тили ва адабиёт фанини намунали ўзлаштираётган мактабнинг энг фаол синфи ўқувчиларига айланиб улгурдик. Буни «Ижодкор» деворий газетасини чиқариш зиммамизга ишониб топширилганидан ҳам билса бўларди.

Ўқув йили ярмига етганида кутилмаганда Мавлонберди Тожибоев ўрнига бошқа бир ўқитувчи дарс ўта бошлади. Ҳамма ҳайрон ва таажжубда. Билсак, уни 13-умумтаълим мактаби директори ўринбосарлигига тайинлашган экан. «Уфф, бизга Мавлонберди ака дарс ўтса бўларди», дерди синфдошларим афсусланиб. Бизни ўқита бошлаган Ширин Эшчанова гарчи яхши дарс ўтса ҳам биз Мавлонберди акага ўрганиб қолган эдик.

Қисқа муддатда директор ўринбосари сифатида Мавлонберди Тожибоев мактабда туб ўзгаришларни амалга ошира бошлади. Биринчи галда жамоатчи назоратчилар пости ташкил қилинди. Улар тартиб-интизомни кузатиб боришарди. Мактабга кеч қолиб келганлар, ўзаро уришиб, ёқалашганларни қўлидаги дафтарга қайд этиб боришар, директор ўринбосари эса буни ҳар ҳафта муҳокама қилиб, дакки берар, баъзиларини «Прожектор» номли танкидий ҳажвий деворий газетда «уриб» чиқиб, тарбиявий таъсир чораларини оширарди. Назоратчилар дафтарига номи тушмаслик учун ўқувчилар тартиб-интизомга қатъий риоя қилишга интиларди.

Фақат қаттиққўллик билан болаларни тарбиялаб бўлмаслигини яхши англаган Мавлонберди ака синфлараро фан беллашувлари, кўрик-танловлар, байрам кечалари ўтказилишига ҳам катта эътибор берарди. Ҳар ҳафта бирор бир кизиқарли кеча бўлиб ўтар, барчада байрамона кайфият барқарорлашиб борарди. Юқори синф ўқувчилари физика ва астрономия фани бўйича беллашув ўтказиб, ҳатто қўлбола ракета ясаб учиршигани, электромобиль ясаб, намоиш қилишгани мактаб тарихида тақрорланмас лаҳзаларга айланиб қолди. Марказдан анча олис қишлоқ мактабидаги бу ислохотлар кейинчалик олийгоҳга кирувчилар нуфузининг ортишига омил бўлгани шубҳасиз.

Мавлонберди ака ҳайҳотдай боғида узум етиштириб сотарди. Меҳнат таътилида Россияга савдо ишлари билан бориб келарди. Атоқли шоир Абдулла Орипов «Хато қилишингни кутарлар...» деганидек, унинг ютуқларини кўролмайдиганлар ҳам йўқ эмас экан. Кимдир унинг бу ишларини қоралаб, юқори идораларга имзосиз юмалоқ хатлар ёзгани ҳақидаги миш-мишлар урчиётган кунларда биз 8-синфда ўқиётган эдик. Уни директор ўринбосарлигидан

олишганини эшитган кўпчилик синфдошларим қатори мен ҳам қаттиқ хурсанд бўлганман. Энди у яна бизни она тили ва адабиёт фанидан ўқита бошлайди деб ўйлагандик. Айнан шундай бўлди. У яна бизни ўқита бошлади. Бу пайтда мен таникли ижодкорлар билан хат ёзишиб турардим. Лекин буни оиламиздагилардан бошқа ҳеч ким билмасди. Муаллим бир куни танаффусда мени адабиёт хонасига чақиртириб: «Сен шеър ёзасанми?» дея сўради қулиб. Айб иш қилиб қўйгандек, дарров ёлғон гапирдим: «Йўқ!»

Мавлонберди ака қўлидаги иншо дафтаримни аста варақларкан: «Иншоинг ҳеч кимниқига ўхшамайди, буни шоир одам ёзганмикан, деб ўйлаб юраман. Ёзадиган бўлсанг, тортинма, газета-журналларга юборишингга ёрдам бераман», деди. Барибир унга «сирим»-ни очикчасига айтмадим.



Қишнинг чилласида мактабимизнинг шундоқ биқинидаги иккинчи жаҳон урушида қурбон бўлган ҳамқишлоқларимиз хогирасига ўрнатилган ёдгорлик агрофи хароб аҳволга келиб қолганини кўриб асабим қақшади. Мактаб қоровули ёдгорлик агрофида қўй-эчкиларини ўтлатишини эса виждонсизлик деб ҳисоблардим.

Одатда меҳнат дарсида ўқитувчи маъруза ўқир, мен эса машқ дафтаримга алланималарни қоралаб ўтирардим. Навбатдаги дарсда ҳам шундай бўлди: «Шунақаси ҳам бўлади» деган ҳажвий фельетонни бир ўтиришда қоралаб ташладим. Қайта-қайта ўқиб кўрсам, бинойидек туюлди. Уйга қайтаётиб поч-

«Уни директор ўринбосарлигидан олишганини эшитган кўпчилик синфдошларим қатори мен ҳам қаттиқ хурсанд бўлганман...»

тадан Боғот туман газетаси таҳририятига жўнатиб юбордим. Орадан уч-тўрт кун ўтиб мақолам газетда чоп қилинибди. Почтахона олдида маҳаллаимиз кексалари газетани ўқиб турган экан, мени кўришлари билан: «Табриклаймиз, мухбир бўлиб кетибсан, мақоланг чиқибди», дейишди. Газетани қўлга олиб, уйга югуриб келганча: «Ойи, ойи! Газетда мақолам чиқибди!» дея ҳайқирдим. Онам газетани қўлимдан олиб синчиклаб ўқиб чиққач, охишта «Бахайр бўлсин!» деб қўйди.

Эртасига мактабга келганим заҳоти мени ўқитувчилар хонасига чақиртиришди. Эшиқдан кирган заҳоти коммунистик партиянинг мактабдаги бошланғич ташкилоти раҳбари Ҳамид Табиев деган киши мени жеркиб уят сўзлар билан сўка бошлади. Барча ўқитувчилар хўмрайиб қараб ўтиришибди. Директор ўринбосари Ботир Жуманиёзов: «Бу мақолани ростдан ҳам сен ёздигми? Ёки кимдир ёзиб бердими?» деб сўради. Ўзим ёзганимни айтганимда у ҳам менга танбех бе-



онанг сенга бежиз Пўлат деб исм қўймаган. Сенинг ироданг ҳам пўлатдек чидамли бўлиши керак. Ўз орзуларинг йўлидан сира чалғима!» Унинг бу тасаллисидан кўзимга ёш олдим. «Қизиқсан-а, койишса ҳам йиғлайсан, юпатсак ҳам», деганча қуларкан, муаллим дарсни бошлаб юборди.

9 февраль куни Алишер Навоий таваллудига бағишланган кечага йиғилдик. Кеча айни авжга чиққан бир маҳалда Мавлонберди Тожибоев сахнага чиқиб «Фарход ва Ширин» достони бўйича ёзган иншомни ўқиб эшиттира бошлади. «Ох, Ширин, Ширин, тақдир сени не қўйларга солди-я. Э-вох, ажал шаробини нечун сипқординг? Ахир сенинг ҳуснинг, сенинг малохатинг, сенинг фасоҳатинг учун мингта Фарход жонини бахшида қилса арзирди. Сен яшашинг, оламга қуёш бўлиб нур сочишинг керак эди...» каби сатрларимни қайта-қайта ўқиркан, «Ҳар бир ўқувчи Навоийни шу бола сингари англаб, тушуниб, муҳаббат билан ўқишини истардим», деди.

Олдинги қаторда менга «уруш эълон қилиб», танобимни тортиб қўймоқчи бўлган ўқитувчилардан баъзилари безрайганча пешонаси терлаб ўтирарди. Улар туман газетаси таҳририятига бориб мақоламга раддия чиқаролмай оловора бўлиб юрган бир кезде адабиёт муаллимимдан бундай хитобларни эшитиш – ўлганнинг устига юз таёқ уриш билан барабар эди.

Мен бу ёғига кўркмайдиган бўлдим, чунки менинг ҳимоячим, далдавोरим бор эди. Ана шундан сўнг қатор маҳаллий нашрларга мақолалар ёза бошладим. Адабиётга бўлган кучли ҳавас мени журналистика факультетига кириб ўқишга етаклади. Қайсидир йили Зулфияхоним ва Ҳамид Олимжоннинг суюкли кизи Ҳулқар Олимжонова назоратида имтиҳон топшираётган эдик. Мавзуга оид саволга жавоб берарканман, мумтоз ғазаллардан бирини марок билан ўқиб бердим. Ҳулқар Олимжонова: «Сиз арузни жуда яхши биларкансиз, қаердан ўргангансиз?» деб сўраб қолди. «Мактабда адабиёт ўқитувчимиз шундай ўқишни ўргатган», дея жавоб бердим. «Қандай яхши! Агар барча мактаб адабиёт ўқитувчилари ҳам сизнинг муаллимингиз сингари билим берганида эди, бугунги ўзбек ада-

«Уни жуда кўп бора қишлоқ фуқаролар йиғини раислигига сайлашмоқчи, мактаб директорлигига тайинлашмоқчи бўлишганини ҳам билардик. Бироқ у ўқитувчилик касбини табаррук билди, ундан воз кечмади. Ёшларнинг шуурини ёритиш, тафаккурини чархлаб, одамийлик сари етаклашни ўзининг бош мақсади деб билди...»

ЭДИ

«**биёти жаҳонни эгаллаган бўларди», деди. Фахрланиб кетдим.**

Сайёра деган синфдошим олий ўқув юртини тугатгач Тошкентда яшаб, ўқитувчилик қиларди. Оғир касалликка чалинганини эшитиб, Сайёрани кўргани бордим. Шунда у суҳбатимиз орасида: «Бизга Мавлонберди Тожибоев жуда яхши сабоқ берган экан. Мен ўқитувчиларнинг август кенгашида Алишер Навоийнинг «Топмадим» радиопрограммасини ўқиганимда бир кекса услубийотчи отахон: «Қизим, сиз бу ғазални маромида ўқишни қаердан ўргандингиз? Отангизга раҳмат», деди. Шунда бизга Мавлонберди Тожибоев жуда яхши сабоқ берганини тушуниб етдим», деган эди. Бу бир инсоннинг холис эътирофи эди.

Маълумки, «Топмадим» ғазалининг иккинчи мисраси қуйидагича: «Жон баса қилдим фидо оромижоне топмадим». Мавлонберди Тожибоев буни бизга аруз қоидаларга мослаб ўқишни ўргатаркан: «Жон баса қилдим фидо/ромижоне топмадим» дея ўқишни ҳиж-жалаб ўргатган эди. Аруз қоидаларига кўра баъзи унлилар ўзидан олдинги

чорраҳасида адаштирмасдан адабиёт сари ундаган. Каминадан ташқари раҳматли синдошим Сайёранинг ҳам шеърлари пойтахт нашрларида чоп қилиниб турарди, афсуски, умри қисқа экан. Зулфия Матёкубова эса бир-биридан сара шеърлари билан таниқли устоз шоирларнинг назарига тушди, Рустам Назардек фидои болалар шоирининг дуои фотиҳасини олди. Отабек Менглиев умидли ёш қаламкашлар сафидан ўрин эгалламоқда.

– Мавлонберди ака бизни мунтазам ўқитмасе ҳам баъзан бошқа домлаларнинг ўрнига дарсга кирарди. Барчамиз унинг устозлик маҳоратига маҳлиё бўлиб қолардик, чунки унда ўқувчини ўзига жалб қиладиган заковат ва аниқлик мавжуд эди, – дея хотирлайди Рўзибой Қулмат.

Виждон деган туйғунинг тимсоли азиз муаллимнинг равишларида акс этиб турарди. У ҳар қандай даврада қандай вазият бўлишидан қатъи назар тўғри сўзни айтарди, ёлғон сўзламасди. Уни жуда кўп бора қишлоқ фуқаролар йиғини раислигига сайлашмоқчи, мактаб директорлигига тайинлашмоқчи бўлишганини ҳам билардик. Бироқ у ўқитувчилик касбини табаррук билди, ундан воз кечмади. Ёшларнинг шуурини ёритиш, тафаккурини чархлаб, одамийлик сари етаклашни ўзининг бош мақса-

«Қандай яхши! Агар барча мактаб адабиёт ўқитувчилари ҳам сизнинг муаллимнингиз сингари билим берганида эди, бугунги ўзбек адабиёти жаҳонни эгаллаган бўларди»,

унлига сингиб, чўзиб ўқилар экан. Афсуски, кўпчилик уни «... қилдим фидо оромижоне топмадим» дея кўпол ва ғализ тарзда ўқишади, бу телевидение ва радиолардаги чиқишларда ҳам кўзга ташланади. Машҳур санъаткорлардан бири ҳам ана шундай хато тарзда кўшиқ куйлайди. Бундай хатоларни кўрганимда устоз Мавлонберди акани эсламан ва бизга мумтоз асарларни тўғри ва беҳато ўқишни ўргатгани учун ич-ичимдан миннатдор бўламан.

«Навоийдан наво истаб» китобим «Устоз Мавлонберди Тожибоевга эҳтиром ила бағишлайман!» деган жумла билан бошланади. Бу китоб чоп қилинган, тақдим қилганимда устознинг кўзларида ёш қалқди. «Менинг камтарона меҳнатларимни шунчалик улуғлабсан-а», деган эди устоз.

Укамни уйлантирганимизда таниқли шоир ва таржимон Матназар Абдулҳаким ҳам бир гуруҳ ҳамкасбларим қатори тўйга ташриф буюрди. Даврани Мавлонберди устоз бошқариб борарди. У кийиб кўйганча шеърлар ўқирди. Шу пайт Матназар ака мени имлаб ёнига чақираркан, сўради: «Бу қайси санъаткор?» Бир пас қулиб тургач жавоб бердим: «Бу киши бизни мактабда адабиётдан ўқитган муаллим, санъаткор эмас!» Матназар ака деди: «Омадли ўқувчи бўлган экансан».

Ҳа, мен омадли шогирд бўлганман, барча устозларим кучли билим, тафаккур ва чин одамийлик хислатларига эга инсонлар бўлган. Бироқ мен уларга муносиб шогирд бўлолдимми? Бу савол устида бош қотирарканман, бу ўй мени тинимсиз изланиш ва интилишга ундаётгандек ҳис этаман.

Аслида Мавлонберди Тожибоев сабоқларини тинглаб, ижодкор бўлмасликнинг иложи йўқдай эди. Унинг ўқувчини жозибали нафис сўз оламига етакловчи хитоблари кўпчиликни ҳаёт

ди деб билди. «Кичик раҳбарлар бошқа тепадаги раҳбарнинг тазйиқи билан баъзан халққа номақбул ишлар қилиб қўйиши ҳам мумкин. Мен эса асло бундай қилолмайман. Мени раҳбар қилиб тайинлашса ҳам, тепадагилар йўриғига юрмаганим учун тезда бўшатиб юбориши мумкин. Шунинг учун ҳам уларнинг таклифларига рози бўлмайман», дерди Мавлонберди устоз.

Қишлоқдошимиз Аҳмаджон оға шундай деб эслайди: «Туш маҳали эшик тақиллади, очишим билан Мавлонберди домла деди: «Жўражон, ўз уйинг олдидаги кўчанинг ўй-чуқурини тупроқ билан тўлдириб, тузатиб қўйсанг малол келмас эди». Уялинкираб, дарров болалар билан белкуракларни олганча ишга киришдик ва кўчадаги йўлнинг чуқурларига эҳтиёж учун олиб қўйган шағалдан ташлаб, эпакага келтира бошладик. Домла эса бошқа бир қўшнимизнинг эшигини тақиллатиб турарди...»

Ҳаёт армонларга тўла. Икки ҳафта муқаддам азиз муаллим бу ёруғ оламни тўсатдан тарк этди. Сафар йўлида эдим. Ярим тунда қишлоқдошларимизнинг телеграм каналида ёзилган нохуш хабарни ўқиган заҳотим ортга қайтдим. Ҳамроҳларим: «кейинроқ борарсан», деб йўлдан қайтмаслигимни маслаҳат беришди. Йўқ, қайтишим керак эди. Ахир бу муаллим ҳаётдаги энг азиз инсонларимдан бири эди, унинг вафотини эшитиб, сўнгги йўлга кузатишга бормаслик – ношудликнинг бешбаттари эмасми?

Чошгоҳда қишлоққа етиб келдим. Устозни охира оламига кузатишга тайёрладик. Унинг табаррук оёқларини юварканман бундай зотлар пойига бош қўйиб, эҳтиром кўрсатишдан фақат савоб топишим мумкинлигини ҳис қилдим.

COVID-19 ТАРҚАЛИШИ

келгуси беш йиллик сценарийси қандай бўлади?



Америкалик олимлар янги коронавирус эпидемияси келгуси беш йилда қандай ривожланиши бўйича бир неча сценарий ишлаб чиқди. Уларнинг фикрича, коронавирусни фақат жамоавий иммунитет шакллантириш орқалигина тўхтатиш мумкин. Мазкур тадқиқот натижалари яқинда «Science» журналида эълон қилинди.

Тадқиқотчилар оддий эпидемиологик моделдан фойдаланиб, «COVID-19»нинг яқин йиллардаги кўлами ва муддатини ўрганиб чиқишди.

Принстон университети олимлари бу борада турли сценарийларни кўриб чиқдилар. Улар «SARS-CoV-2»га қарши иммунитет қаршилигининг давомийлиги ва самарадорлигини, шунингдек вируснинг вакцинага қарши эҳтимолий реакцияси ҳамда нофармацевтик чоралар, яъни корхона ва мактаблар ёпилиши, ҳаракатлар чекланиши ёки тўлиқ изоляция қилиниши билан боғлиқ вазиятларни ўргандилар.

Муаллифлар инфекция табиатидаги ҳозиргача маълум бўлган барча жиҳатлар, касаллик оқибати, биринчи ва иккинчи юктиришнинг ўзига хос томонлари ҳамда табиий инфекциялаш ёки вакцинациялашдан кейин иммунитет қаршилигига эга бўлиш даражасини ҳам эътиборга олдилар.

Натижалар шуни кўрсатдики, коронавирус пандемиясининг глобал миқёсдаги келгуси траекторияси шаклланишидаги асосий жиҳат вакциналаш натижасида пайдо бўладиган иммунитетнинг кучи ва мустаҳкамлигига боғлиқ бўлади. Тадқиқотчилар фикрича, кучли ва узок муддатли иммун қаршилигини шакллантирадиган вакцина келгусида инфекция тарқалишини сезиларли равишда камайтириши мумкин.

«Шу вақтгача «COVID-19» ривожланиши билан боғлиқ муҳокамалар, асосан, мавсумий оқибатга, ниқоб тақиш ва жисмоний масофа сақлашга бағишланган эди», — дейлади Принстон университети матбуот хабарномасида.

Мазкур университет олими, мақола муаллифи Чади Саад-Ройнинг таъкидлашича, бундай чоралар қисқа муддатда ва пандемиянинг фаоллашган босқичида муҳим, бироқ келажакка назар ташлайдиган бўлсак, касалликка қарши курашда айнан иммунитет энг муҳим жиҳатга айланади.

Инсоннинг ёши ёки тузалишни қийинлаштирадиган сурункали касалликлар келажакда ҳал қилувчи аҳамият касб этмай қўяди.

«Биз ҳозирча табиий иммунитетнинг «SARS-CoV-2»га қаршилиги қанча давом этиши ёки вакцина кучини билмаймиз», – дейди изланувчилардан бири – Канаданинг Макгилл университети биомухандислик кафедраси доценти Кэролайн Вагнер.

«Қайта юктириш мумкинми?», «Инсондаги иммун қаршилиги инфекциянинг бошқа одамга юқишини тўхтата оладими?» қабилидаги айрим саволларга жавоб топиш жуда муҳим. Буларнинг бари инфекция тарқалишининг келгуси ўсиш суръатига таъсир қиладиган, дейди у.

Агар иммунитет кучсиз бўлса ёки қайта касалланишдан вақтинча ҳимоя қилса, бундай ҳолатда мақола муаллифларининг фикрича, яқин муддат ичида йирик ва жадал тарқалишни кутиш мумкин. Иммун қаршилигининг тавсифи клиник натижага ва оғир ҳолатлар сонига таъсир кўрсатади.


Олимлар қайд этишича, барча сценарийларда кучли иммунитет қаршилигини кўрсатадиган вакцина келгусида COVID-19 билан касалланиш ҳолатлари сонини сезиларли равишда камайтира олади. Ҳатто, қисман ҳимоя қиладиган вакцина ҳам кенг миқёсда қўлланиладиган бўлса, касаллик тарқалишига сезиларли равишда тўсиқ бўлади.

Коронавирус пандемиясини бартараф этиш учун дунё олимлари изланишларни бир зум ҳам тўхтатгани йўқ, албатта. Афсуски, ҳозирча узил-кесил натижага эришилмаяпти. Бундай пайтда шахсий гигиенага риоя қилиш, ниқоб тақиш, ижтимоий масофа сақлаш қоидаларига қатъий амал қилиш ҳамон долзарблигини эсдан чиқармаслик лозим.

Куни кеча БМТ Бош қотиби Антониу Гутерреш таъкидлаганидек, «дунё дахшатли сарҳадга етди. COVID-19 пандемияси бир миллион кишининг ёстигини қуритди. Бу инсониятни ларзага соладиган рақамдир».

«Биз ушбу муаммони енгиб ўтамиз! Ҳатолардан сабоқ чиқаришимиз лозим. Муҳими, масъулиятли бошқарув, илм-фан ва ҳамкорлик», – дея таъкидлади Гутерреш.

Бош қотиб дунё вакцинага ҳозирча эга эмаслигини эслатиб, яна бир бор одамларни ижтимоий масофа сақлаш, ниқоб тақиш ва қўлни ювиб юришга чақирди.



Китоб – ҳар бир кўнгил қулфини очувчи калитдир



**Бадий адабий
адабиётлар**



**Танланган
асарлар**



**Жаҳон
адабиёти**



**Болалар
адабиёти**



«ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси яқинлашиб келаётган 1 октябрь «Устоз ва мураббийлар куни» муносабати билан азиз китобхонлар, шунингдек, республикамиздаги китоб савдоси ташкилотлари, яқка тартибдаги тадбиркорларни ўзро ҳамкорлик қилишга таклиф этади. Байрам арафасида компания китоб маҳсулотларига 10 фоизгача бўлган чегирмаларни тақдим этади. Шошилинг, ҳали бунақаси бўлмаган!

Мурожаат учун телефонлар: 71-233-04-04, Маркетинг бўлими. e-mail: info@sharq.uz
Манзил: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.



UZTELECOM

«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси

Қашқадарё филиали жамоаси



Юртимиздаги барча ўқитувчилар,
устоз ва мураббийларни

1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар куни
билан самимий қутлайди!

*Агар ҳаёт узук эса, кўзи муаллим,
Агар ҳаёт шоир эса, сўзи муаллим.*



**Хонадонингиздан файз,
қут-барака аримасин!
Байрам барчангизга
қутлуғ бўлсин!**



Хизматлар лицензияланган.



«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси

Бухоро филиали жамоаси

**Меҳридарё, мўътабар устозларни
1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар куни
умумхалқ байрами билан самимий
муборакбод этади!**

**Ёш авлод қалбини илм шуъласи билан
ёритишдек заҳматли ишда барча
устозларга мустаҳкам
соғлик-саломатлик, куч-қувват,
сабр ва матонат тилаймиз.**

**Меҳнатларингиз натижаси сизларга
доим фахр ва ифтихор олиб келсин.**

Байрамингиз қутлуғ бўлсин!



ОР-НОМУС ТУЗОФИ

У бойлик ва хорижнинг дабдабаси билан пардаланган бўлиши мумкин!



Қадимгиларнинг бир гапи бор: «яхши қиз маҳалласидан ортмайди». Ҳа, кўз олдида вояга етган қизларнинг бор-бўйидан яхши хабардор бўлган маҳалла аҳли уларни қўлдан чиқармасликка, келин қилишга ҳаракат қилган. Қизларнинг ота-онаси ҳам маҳалладошларнинг бундай таклифига учиб-қўниб рози бўлишган. Ҳарна, кўзининг оқу қораси, дилбанди яқинида яшашидан хурсанд бўлишган.

Бу тамойил асрлар ошиб, миллий турмуш тутумимизнинг бир парчаси бўлиб яшаб келди. Яхши-ёмон кунларда фарзанд ота-онадан, ота-она фарзанддан хабар олиб туриши нуктаи назаридан ҳам «суягини хўрламайдиған султонлар» шундай йўл тутди. Ҳатто қўшни кишлоққа ҳам қиз бермайдиган оилалар ҳозир ҳам йўқ эмас. Олис жойларнинг турмуш тутуми, урф-одати, анъана ва кадриятлари тубдан фарқ қилишини мулоҳаза қилган ота-боболар ҳар бир дарахтнинг меваси ўз яқинига тушушини исгатаган бўлса, ажаб эмас.

Бундай фарқлар сирасига тил, ҳуқуқий меъёрлар, эътиқод каби ҳаётдаги тамал тамойиллар ҳам қирадиган бўлса, вазият янада жиддий тус ола-

ди. Сабаби, ҳар бир ота-она ўз қизини бир умр ҳар жиҳатдан ҳимоя қила оладиган, ғамхўр, ҳақ-ҳуқуқларига эътиборли, палаги тоза, чинакам мард йигитга ва шундай хонадонга узатишни истайди. Фарзанднинг келажаги, ўзга жойда туп қўйиб, палак ёзиб кетиши шу каби омилларга боғлиқ эканини яхши билади.

Кипригида кўтариб вояга етказган қизи бошқа жойга боргач, хор бўлиб, топталиб яшашига бирон ота-она рози бўладими? Катта бойлик эвазига-чи?

Сўнгги пайтларда корейс миллатига мансуб кишиларга турмушга чиқиб Жанубий Кореяга кетган ўзбек аёллари қисмати ҳақидаги ташвишли ҳолатлар кўп муҳокамаларга

сабаб бўлмоқда. Чет элнинг хўрозқандига маҳлиё бўлиб, шу йўлни танлаган ёшларнинг афсус-надоматлари ижтимоий тармоқларда кезиб юрибди. Бу ишларнинг асл сабабчиси шундай кўнгилсизликларга тушиб қолган аёлларнинг ўзи экани ҳам мулоҳаза қилинган. Фарзанди тақдирига бепарво ота-оналар ҳам шу сирага киритилган.

Бугун хорижга турмушга чиқиб кетган ҳамда пухта ўйланмай қилинган бу ишнинг жабрини чекаётган минглаб ватандошларимиз қисмати ҳақида масъул ташкилотлар балки амалий ишларга киришар. Бизнинг вазифамиз – қизларимизнинг аёллик шаъни, кадр-қиммати, ор-номуси биз учун қанчалик аҳамиятга эга эканига эътибор қаратишдир. Ҳар бир ота-она, ҳар бир оила, миллатнинг ҳар бир вакили бу масалани ўз шууридан ўтказиб кўриши зарур. «Пул, бойлик, сайру-саёҳат ва бошқа мезонлар инсоннинг ўзга тупроқларда хор бўлиб топталиши эвазига топилгани керакми?» деган савол кун тартибимиздаги асосий масалага айланиши керак. Миллатнинг миллат си-



фатида тараққий этиши, жаҳон айвонидаги ўрни ва мавқеи, давлатлараро муносабатлари ҳамда дипломатик алоқаларида инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ бу каби масалалар доимо жамоатчиликнинг диққат марказида бўлиб келади.

Глобаллашув тегирмонининг нуқси, «оммавий маданият» ниқоби остида кириб келаётган бузғунчи тамойиллар мана шу тарзда энг куйи бўғингача етиб боргани жуда ачинарлидир. Оқибатда бой берилган умр, аянчли тақдирлар, энг муҳим хусусиятларидан мосуво бўлаётган инсон қисмати юзага келяпти. Олдини бошқа бир миллатнинг тили ва маданияти, урф-одатларини ўзимизникидан-да устун қўйишга ундаган кучлар бир кун келиб, инсонни бир йўла ўзлигидан ҳам айиришини ҳаётини мисоллар орқали гувоҳи бўлиб турибмиз. Ўзга дунёларга шунчаки маҳлиё-

лик, ўз ҳаётига қаноат қилмаслик, ўйламай қўйилган қадам, ор-номус, ҳақ-ҳуқуқ ва барча имконлардан маҳрум бўлиш билан яқунланса, бундан қандай фойда топади?

Бир пайтлар иккинчи жаҳон уруши йиллари ва ундан сўнг уруш асоратлари туфайли етим ва бошпанасиз қолган минг-минглаб фарзандларга ота-боболаримиз уйдан жой берган. Қалбидаги меҳрини тухфа қилиб яшаган. Ҳеч қимга кош чимириб қарамаган. «Нонимни ярим қилдинг», демаган. Бировнинг фарзандига шу қадар эҳтиром кўрсатган миллат бугун ўз қизининг тақдирига шу қадар бепарво бўлди? Ўз уйига, ўз юртига сиғдира олмадими?

Бу каби оғриқли саволлар ҳар биримизнинг қалбимизни ларзага келтириши, ғафлатдан уйғотиши, ўзлимизга қайтариши шарт.

«SEJONG HAKDANG»:

«Бунга бизнинг алоқамиз йўқ!»

Ўзбек қизларини Жанубий Кореяга турмушга бериш учун тайёрлаётган марказ фаолиятига муносабат

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ўзбек қизларини Жанубий Корея фуқароларига турмушга бериш учун тайёрлаётган марказ фаолиятига оид видеоларга муносабат билдирди. Унда жумладан шундай дейилади:

«Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги томонидан олиб берилган ўрганишлар давомида мазкур

видеоларга Тошкент шаҳар Яққасарой тумани «Х.Сулаймонов» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидидаги 2-Миробод кўчаси 35-уйда жойлашган «SEJONG HAKDANG» ўқув марказида тасвирга олингани маълум бўлди.

Ижтимоий тармоқлар орқали тарқалган, мазкур масканнинг ўзбек қизларини Жанубий Корея давлати фуқароларига турмушга бериш билан

шуғулланаётгани ҳолати юзасидан олиб борилган суриштирувлар натижасига кўра куйидагилар аниқланди.

«SEJONG HAKDANG» ўқув маркази республикада 1992 йилда қонуний асосда ташкил этилган бўлиб, ҳозирги вақтга қадар юртимиз фуқароларига корейс тили ва маданияти, корейс миллий таомларини ўргатиш мақсадида фаолият юритиб келмоқда. «SEJONG HAKDANG» ўқув маркази раҳбари Хо Со Хенг томонидан берилган маълумотларга кўра, мазкур масканда ҳозирги вақтда 350 нафар ўқувчи таҳсил олмақда. Уларнинг 31 нафари Жанубий Корея давлати фуқароларига турмушга чиқилган.

Бу ерда таҳсил олаётган фуқаролар корейс тили ва маданияти, корейс миллий таомларини онлайн ўқув машғулоти асосида, махсус дарсликлар ёрдамида ўрганишмоқда.

Ўқув марказ раҳбари Хо Со Хенг билан олиб борилган суҳбат давомида олинган маълумотларга кўра, 2020 йил 7 сентябрь куни мазкур масканда навбатдаги ўқув мавсумининг очилиш маросими бўлиб ўтган. Ижтимоий тармоқларда тарқалган, юқорида тўхталиб ўтилган видеоларга айнан шу тадбирдан олинган. Бу ерда таҳсил олаётган хотин-қизлар ўқув маркази томонидан берилган эълонлар асосида мурожаат қилишган.

Ўқув марказидаги дарслар ҳафтасига уч маротаба ўтказилади. Уч ойлик ўқув машғулотида сўнг тингловчиларга махсус сертификатлар берилади.

Ўқув марказ раҳбари Хо Со Хенгнинг таъкидлашича, «SEJONG HAKDANG» ўқув маркази ўз ўқувчиларига фақат корейс тили ва маданияти, шунингдек, қизиқувчилар учун корейс миллий таомларини ўргатиш билан шуғулланади. Уларни чет элга юбориш ёки Жанубий Корея давлати фуқароларига турмушга чиқишларини ташкил этиш бу ўқув маскани мақсадларига кирмайди. Бу ерда таҳсил олаётган, корейс фуқароларига турмушга чиққан ўзбек қизларининг улар билан танишуви ёки оила қуришига мазкур ўқув марказининг алоқаси йўқ. Бу фуқаролар турмушга чиқиб, ўрнатилган тартибда никоҳни қайд этгандан сўнг бу ўқув марказига мурожаат қилишган.

Шу ўринда ўз тақдирини кўр-кўрона бошқа миллат вакиллари билан боғлаётган ўзбек қизларига ҳаётга теранроқ қараб, чет элга турмушга чиққан баъзи юртдошларимизнинг аянчли қисматидан тўғри хулоса чиқаришларини сўраб қоламиз.

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги томонидан тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда «SEJONG HAKDANG» ўқув марказининг келгуси фаолияти атрофида ўрганиб борилишини маълум қиламиз».

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги Матбуот хизмати



Бу дунё арзимас фидо бўлишга...

«**Рислиғой Ҳотамовани бир сўз билан камтарин шоира, дегим келади. Чунки унинг шеърларига басталанган кўшиқлар кириб бормаган хонадон кам, ёшу қари бирдек унинг қаламига мансуб сатрларни хиргойи қилади. Лекин шоирани ҳамма ҳам билмаслиги мумкин.**

*Атрофимда на пасткаш,
на мард қолди,
Юрагимда на орзу, на дард қолди.
Тогларга тенг бардошимдан
гард қолди,
Мени кўкка олиб учинг бургутлар.*

*Телба истак исён қилар танимда,
Бир дардкаш йўқ,
ҳабибим йўқ ёнимда.
Жой қолмаган мендайларга
заминда,
Мени кўкка олиб учинг бургутлар...*

Мана шу машҳур сатрлар ҳам Рислиғой Ҳотамовага тегишлидир. Шоиранинг «Ёр-ёрни айтинг» (Гулсанам Мамазоитова томонидан куйланган), «Бургутлар» (Юлдуз Усмонова томонидан куйланган), «Болам дема» (Озодбек Назарбеков томонидан куйланган) каби машҳур шеърлари «Икки дил баёзи», «Дийдор ширин», «Совчилар», «Ошиқларга ўлим йўқ» сингари тўпламларда жамланган.

Шоира билан суҳбатимиз жуда қизиқarli ва мазмунли кечди.

– **Рислиғой опа, аввало таклифимизга рози бўлганингиз учун раҳмат. Айтингчи, ижодкор бўлишингизга ким ёки нима сабаб бўлган?**

– Шоиралик тақдиримда бор экан. Сабабчиларини фахр билан айтаман: ниҳоятда сўзамол бувим, эртақшунос онам, китобдан бош кўтармайдиган опаларим (кўзига ёш олади). Акам, укам, уларни 7 ойдан буён кўрмайман. Ва яна она тили ўқитувчиларим.

– **Суҳбатимиз бошданок кайфиятингизни туширамиз, деб ўйламагандик. Шу ҳолат билан боғлиқ ҳолда яна бир илтимос: ўзингиз ўқиганда ҳам йиғлайдиган ёки энг яхши кўрган шеърингиз борми?**

– Келинг, парча ўқиб берай:

*Ушатиб еяпти мени бу дунё,
Бир кун ушоқ бўлиб тугашим аниқ.
Лекин умидим бор – сўнги лаҳзада
Мени еб кетади энг гўзал балиқ.*

– **Сиз ҳаётда кўпроқ нимадан кўрқасиз?**

– Кўркувлар ҳам ўзгариб турар экан вақти-вақти билан. Бандага муҳтож бўлиб ётиб қолишдан, касал бўлиб узоқ шу ҳолатда бўлишдан кўрқаман. Кимдир овора қилиб, елкасида юк бўлишдан кўрқаман.

– **Кўпчилик сизни ҳурмат қилади, яхши кўради. Сиз-чи, ҳаётда кимларга ачинасиз?**

– Сизни яхши кўраман деган гап кўёшнинг битта нурига ўхшаб юрак катига кириб иситади, киздиради. Бу жуда ҳам ёқимли, яхши гап, шундайми? Мен ҳеч кимни яхши кўрмайдиган одамларга ачинаман. Бор шундай инсонлар, нафақат атрофидагиларни балки ўзини ўзи яхши кўра олмайди улар. Ана шуларга ачинаман. Жуда ҳам...

– **Рислиғой опа, қандай шиорни маҳкам тутгансиз?**

– Битта шиор: Бу кун охирги кун!

– **Нега машҳур бўлишга арзиғулик, давраларни киздирғулик, ойнаи жаҳонни тўлдирғулик ижодингиз бўлса-да, кўп ҳам кўзга кўри-навермайсиз?**

– Машҳурлик яхши нарса эмас-да, назаримда. Одамларнинг кўзига тез-тез ташланиб туриш, уларни диққат марказида бўлиш ниҳоятда оғир савдо. Инсонсиз, бирда бўлмаса бирда хато қиласиз. Бехато ҳеч ким йўқ. Битта хато қиласиз, сизни бирданига ҳамма ёмон кўриб қолади. Назоратда турасиз. Бақириб йиғлагингиз келса индамай йиғлашингиз, қаттиқ кулгингиз келса, жилмайшингиз керак. Кечирасиз-ку, урворишингиз керак бўлса ҳам кўлингизни кўксингизга қўйишингиз шарт. Бу назоратни эплай оладиган бор, эплай олмайдиган бор. Мен жуда эркин одамман, шунинг учун диққат марказида туришдан қочиб юраман.

– **«Муваффақиятсиз чиққан» шеърларнинг уволи бор деб ўйлайсизми? Ижодкор ўз ёзиқларидан қониқмаган пайти сўзни исроф қилмаслиги керакми ёки нима бўлганда ҳам ёзишдан тўхтамаслиги?**

– Муваффақиятсиз чиққан шеърни ўзингиздан бошқага ўқитмайсиз. Ўзингиз такрор ўқиб қаерида юрагингиз жиз этмаган бўлса, ана шу ерига эътибор берасиз. Муваффақиятсиз шеърнинг ўқувчиси ҳам битта бўлиши зарур – бу ўзингиз.

– **Шоир шеърда нима демоқчи экани фақат ўзига аён. Сизда ҳам шундай сирлар яширинган, лекин мухлислар тўла англамаган шеърингиз борми?**

– Бор, лекин буни шеър дея олмайман. Сабабики, атрофимда ниҳоятда нозик таъбли, чуқур билимли, олим инсонлар кўп. Битталари бўлмаса битталари билиб қолишади, англаб олишади. Шеърни ёзилаётгандаги шоирнинг ҳолати, мақсади, кўнглидан ўтказган туйғуси фақат ўзига аён.

– **Сизни ҳар қандай ҳолатда ҳам хурсанд қиладиган нарса нима?**

– Эшиқдан онам кириб келсалар, шундай севинаманки... Тасаввур қилинг: беш ёшли бола сакрайди-ку осмонга. Менинг ҳам қувончим униқича бўлади. Боладек ирғишлаб кетсам, дейман. Мени доим хурсанд қиладиган бахт шу.

– **Ёшлигингизда ким бўлишни орзу қилгансиз?**

– Ёшлигимда шифокор, хирург бўламан дердим.

– **Агар ҳаёт манзарасини акс эттириш керак бўлса, ҳаёт суратини нималарда тасвирлаган бўлар эдингиз?**

– Чикаётган қуёш, ботаётган қуёш – мана шу менинг ҳаёлимдаги Ҳаёт сурати.

– **Шеър ёзиш учун инсонга ғойиб-**



Рислиғой ХОТАМОВА

Қирғизистонда туғилган. 1996 йили Наманган санъат билим юртида таҳсил олган. 2000 йилда Абдулла Қодирий номидаги давлат маданият институтига ўқишга киради. 2004 йилда ушбу олий ўқув юртини анъанавий ҳаваскорлик халқ ашула ва рақс ансамбллари бадий раҳбари йўналиши бўйича битирган. 2018 йилда «Дўстлик» ордени билан тақдирланган. Ҳозир Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳузуридаги «Ижод» жамоат фонди Наманган вилоят ҳудудий бўлими раҳбари сифатида фаолият юритиб келмоқда.

дан илҳом келади. Сизга неча ёшингизда илҳом келган ва шу илҳомдан туғилган илк шеърларингизни эслайсизми?

– Адашмасам, 16 ёшларимда. Мактабда ўқирдим. Мана шу шеър ёзилди, Жуда машҳур кўшиқ ҳам бўлди.

*Кўтаришиб тугунларини
Кириб келди уйга совчилар,
Сўзга чечан аврашга уста,
Бироз айёр бироз лофчилар.
Чой ичишгач бир пиёладан,
Сўз очиди куёв боладан.
Мусичадай беозор ювош,
Тили ширин зўр қайнонадан.
Зап хунарманд мулла дейишди,
Ғирт безори болаларини,
Обрўсини рўкач қилишди
Сўнг амма-ю холаларини.
Эркагина жайрон эдим-а,
Тилло занжир солиб кетишди,
Айлантриб онам бошини
Менинг бошим боғлаб кетишди.
Қиз боладир палахмон тоши,
Мен нима ҳам қила оламан.
Келин бўлай бор аламинни
Ўша безоридан оламан.*

– **Рислиғой опа, ҳаётнинг энг оғир дамларида кимга суянасиз?**

– Оғир дамларда ягона суянчиғим Аллох. Биров кўнглимни оғритиб қўйса ҳам йиғлайман, Аллохга айтиб. Ишонасизми, ўша куни Аллохдан юпатувчи албатта нимадир ишора бўлади. Яратганга шукрлар айтаман.

– **Кимдир шеърни бир ўтиришда ёзишга уринса, бошқаси ҳаёлига келган чиройли сатрларни дафтарчасига қоралаб қўйиб, кейин шеърга айлантиради. Сизда қандай кечади?**

– Бир деганда ёзилади дейди-ку. Кимдир сизга айтиб туради гўёки, сиз кўчириб оласиз. Қайси шеърим кўшиқ бўлиб, эл ичида яшаётган бўлса, булар бир нафасда ёзилган.

– **Шундай вазиятлар бўладики, кимгадир чин дилдан ёрдам бермоқчи бўласиз-у, лекин сизда фурсат етмай қолади...**

– Афсуски, менда кўп бўлади шу ҳолат. Ҳали ҳам ичимда бир армоним бор. Қўқонда бир киз ўн йиллар олдин «Сиз билан кўришиш учун Қўқоннинг бозорида гадо бўлишга ҳам розиман»,

деган эди. Шу қизни ўша вақтлардаёқ бориб кўрмоқчи бўлдим. Минг афсуски, бора олмадим. Ўша пайтда манзилени аниқ қилиб ололмаганим учун афсусдаман. Бу энг катта афсусларимдан биттаси. Кейин, 1998 йили Республика ёш ижодкорларининг «Зомин» семинарига борганимда олтинқўллик бир киз менинг озгина соғлигим ёмонлашганда жуда катта яхшилик қилган. Шу қизни топа олмайман. Ёрдам бериш учун эмас, шунчаки соғиниб топа олмайман...

– **Ёшлик чоғингизда эришган энг катта ютуқларингиздан бири ҳақида гапириб берсангиз.**

– 1998 йили анъанавий «Зомин» семинарида биринчи ўринни олган эдим. Ҳалима Худойбердиевадек катта шоира «Орангизда «йўлбарсни кўйнида ухлагим келар», – деб шеър ёзган шоира бор эди. Қани?», – деганлар. Раҳматли Абдували Қутбиддин «Намангандан Машраб келибди. Мен Машрабни топдим», – деган эдилар. Ўша сўзларнинг ўзи энг катта ютуғим бўлган.

– **Келинг опа, ўша сатрлар айтилган шеърингиздан парча ўқиб берсангиз.**

– Марҳамат:

*Қуёшда бойчечак кўргим келяпти
Булутда тик оёқ тургим келяпти.
Телба кўнглим телба истак қилади,
Сув устига қулба қургим келяпти.
Ўйнагим келяпти капалак билан,
Белангим келяпти камалак билан.
Юзига юз босиб ҳол сўргим келар,
Болалигим – сочи жамалак билан.
Йўлбарсининг кўйнида ухлагим келар,
Оловни қўлимда ушлагим келар.
Кўнглим арқонини узун ташласам,
Кийикнинг шохидан тишлагим келар.
Бу хил орзулардан уйқум келяпти,
Ҳаётда эртақни кўргим келяпти.
Иложсиз орзунинг боридан йўғи,
Сувга нон оқизиб егим келяпти...*

– **Ажойиб ва дилкаш суҳбат учун Сизга раҳмат! Ижодингизга зафарлар тилаймиз.**

*Алишер Навоий номидаги
Ўзбек тили ва адабиёти
университети талабаси
Гулнора ШЕРМАТОВА
суҳбатлашди.*

ШИФОХОНА БОР, КИСЛОРОД АППАРАТИ ҲАМ БОР, АММО... ЭЛЕКТР ЙЎҚ

Шу туфайли одамлар вафот этаётган бўлса – бу чинакам фожея!

«

Кеча бир яқин дўстимизнигина таъзияга бориб келдик. Отаси коронавирус балосига чалиниб 62 ёшида вафот этибди. Отани йўқотиш жуда оғир дард, елкалари чўкиб қолган. Келди-кетди яқунлаб қолганда дўстимга далда беришга ҳаракат қилдим. Ўзи шифокор бўлгани учун отахонда касаллик нега бунчалик оғир кечгани ҳақида сўрадим.

Дўстим оғир хўрсиниб охири «ёрилди»: «Отамда коронавирус аломатлари бошланганини билгани ҳамон ўзим қарайман, деб Қашқадарёдан Тошкентга олиб келдим. Аммо ахволлари оғирлашавергач Зангиота туманидаги янги қурилган махсус шифохонага жойлаштирдим. Кислород аппарати ҳам улашди.

Танишларим орқали сўраб тураман, ўзим кириб кўраман, ахволлари анча яхши томонга ўзгараётган эди. Сатурация кўрсаткичи ҳам кўтарилиб, умумий аҳоли қоникарли эди. Аммо... ўша куни шифохонада

1-2 соат чироқ ўчиб қолди. Биласиз, ҳамма аппаратуралар электр токи билан ишлайди. Етарли кислород бормай қолгани туфайли отамнинг жони узилди... Эшитишимча ўша пайтда яна бошқа бир неча ўлим ҳолати юз берган...»

Ана холос! XXI асрда-я! Ишонгинг келмайди. Эсингизда бўлса, 29 май куни Тошкент вилояти Зангиота туманида барпо этилган ушбу кўп тармоқли махсус шифохона Президентга роса мактаб кўрсатилган эди. Тўғриси, буни қандай изоҳлашни ҳам билмай қолдик. Шифохонада

жой етишмаганидан ёки зарур аппаратлар топилмаганидан эмас, ўша шароитларнинг ҳаммаси бўла туриб, уни ишлатиш учун электр токи йўқлиги туфайли одамлар вафот этаётган бўлса – бу чинакам фожея.

Яқинда ижтимоий тармоқларда Тошкентнинг Яккасарой туманидаги коронавирус билан касалланганлар даволанаётган шифохонада ҳам икки соат электр токи узилиб қолгани ҳақида ёзишди. Демак, бу муаммо бир ёки икки ҳолатда эмас, анчайин кенг қамровлига ўхшайпти.

Ўзим туғилиб ўсган туманда ҳатто туғруқхонага боришда «движок» учун беш литр бензин кўтариб бориш одатга айланган эди бир вақтлар. Қанча чақалоқлар шам ёруғида туғилди, қоронғида қиндиги нотўғри кесилгани туфайли гўдақлар нобуд бўлган ҳолатлар ҳам кузатилди...



Ўша вақтлар ортда қолди, деб эрта хурсанд бўлмадикми-кан ишқилиб...

...Таъзия билдириб кўчага чиқар эканмиз, дарвозасининг шундоқ яқинида ўрнатилган мобил телефон антеннасига кўзимиз тушди. «Яхши, алоқадан қийналмас экансиз», дедик бироз чалғитишга уришиб. «Ҳа, бунга ҳам отам қараб турардилар. Мана антенна пастига электр двигателъ ўрнатилган.

Бизни уйга ҳам электр бериб туради», деди. Яна кўшимча қилди: «Масофадан туриб компьютер орқали бошқаришади. Электр ўчса 50 секунд ёки 1 минутга бормасдан «движок» автоматик кўшилади...»

Бошқа ҳеч нарса дея олмадик. Балки замонавий шифохона қурганлар бирор нима айтишар...

Ogoh.uz

1 ОКТАБРДАН НИМАЛАР ЎЗГАРАДИ?

Ўзгараётган акциз солиғи ставкалари, тадбиркорлар учун янги имтиёз, кучга кираётган янги тартиблар

1

Тадбиркорларга «Санитария-эпидемиологик осойишталик белгиси» берилади

Тадбиркорларга уларнинг фаолияти санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мослигини ўрганиш ва таҳлиллар натижаларига асосан «Санитария-эпидемиологик осойишталик белгиси»ни бериш амалиёти жорий қилинади.

Белги Санитария-эпидемиология хизмати томонидан уч хил турдаги – «яшил», «сарик» ва «қизил» тоифалар бўйича 12 ой муддатгача берилади.

2

Миллий географик ахборот тизими

Ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни назарда тутувчи қарорлар, аукцион ва танлов баённомалари, нотариал тасдиқланган битимлар ҳамда бошқа ҳужжатлар Миллий географик ахборот тизимида давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейин кучга қиради.

Миллий географик ахборот тизими юридик ва жисмоний шахсларни кадастр маълумотлари билан тезкор таъминлаш имконини беради.

3

Агентлик «вино-водка»чиларни текшириши мумкин

Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлиги истеъмол

ва техник этил спирти, алкоголь ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар ҳамда алкоголь маҳсулотларининг улгуржи ва чакана савдоси билан шуғулланувчи ташкилотларнинг ноқонуний фаолияти ҳақида маълумот мавжуд бўлганда, махсус ваколатли органни хабардор қилган ҳолда текширишларни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлади.

4

Давлат муассасаларининг таъсис этилишига йўл қўйилмайдиган ҳолатлар

Давлат иштирокидаги хўжалик юритувчи субъектларнинг, шунингдек уларнинг аффилиланган шахсларининг ва хўжалик фаолиятини амалга ошириш ваколатлари берилган давлат муассасаларининг (*мудофаа қобилияти ва миллий хавфсизлик мақсадларида бундан мустасно*) таъсис этилишига қуйидаги ҳолларда йўл қўйилмайди:

– битта товар бозорида бешта ва ундан ортик хусусий тадбиркор фаолият юритиб келаётган соҳаларда;

– давлат органлари томонидан ўзларига лицензиялаш, рўйхатга олиш, аккредитациядан ўтказиш ва рўхсат бериш ваколати берилган соҳаларда.

5

Тадбиркорлар учун яна бир имтиёз

Қуввати 140 киловаттгача бўлган электр ускуналари тармоққа улашда сарфланган хара-

жатлар тадбиркорларнинг хоҳишига кўра, давлат хизматлари марказларига техник шартларни олиш учун мурожат қилиш билан бир вақтда берилган сўровномасига асосан «Худудий электр тармоқлари» АЖ маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Мазкур маблағлар кейинчалик тадбиркорлар фойдаланган электр энергияси қийматига қўшиладиган устамалар ҳисобидан 1 йил давомида ундириб олинади.

6

Дарсликлар нашр этишда нархлар эркинлашади

Республика бюджети маблағлари ва Республика мақсадли китоб жамғармаси маблағлари ҳисобидан таълим муассасалари учун дарсликлар ва ўқув-методик мажмуаларни нашр этишда нархларни давлат томонидан тартибга солиш бекор қилинади.

7

2020 йил 1 октябрдан бошлаб:

– нодавлат таълим ташкилоти лицензия олганидан кейинги лицензия талаблари ва шартларидан бири – «Нодавлат таълимни бошқариш ахборот тизими»га киритиш учун тегишли маълумотларни Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясига тақдим этиш ҳисобланади;

– мазкур тизимда нодавлат таълим ташкилоти, унинг таълим олувчилари, педагоглари ва таълим-тарбия жараёни тўғрисидаги ишончли маълумотнинг



лицензия олингандан бошлаб 30 кун давомида йўқлиги – лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш ёки тугатиш учун асос бўлади;

– кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича нодавлат таълим олганлик тўғрисида давлат намунасидаги ҳужжат бланкалари берилганлик учун БХМнинг 10 фоизи миқдорида йиғим жорий этилади.

8

Ичимлик сув хизматлари учун нархлар маҳаллий Кенгашлар томонидан кўриб чиқилади

Сув таъминоти ва оқова сув хизматлари учун тартибга солинадиган нархлар монополияга қарши курашиш ва нархларни тартибга солиш органлари хулосалари олинган, маҳаллий Кенгашлар қарори билан маъқуллангандан сўнг тасдиқланади.

«Hududiy axborot»
Telegram канали материаллари асосида тайёрланди.

«Данғарамахсуссупудрат» масъулияти чекланган жамияти жамоаси



**Энг шарафли ва масъулиятли
касб эгалари бўлган азиз
устозларни 1 октябрь –
Ўқитувчи ва мураббийлар
куни байрами билан самимий
муборакбод этади!**



**Қалбингиздан шоду хуррамлик,
хонадонингиздан файзу барака аримасин.
Ҳаётингиз қувончли лаҳзаларга бой бўлсин,
ҳамиша юзингиздан меҳр, сўзингиздан билим
нури ёғилиб турсин!**

Байрамингиз қутлуғ бўлсин!



AGROBANK

“Агробанк” АТБ жамоаси

барча устозларни

1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни

билан чин дилдан табриклайди.

Барчангизга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат, омад ва оилавий хотиржамлик тилайди.

Ёш авлоднинг таълим-тарбияси
йўлидаги эзгу ишларингизда
улкан ютуқлар ҳамроҳ бўлсин.

5+



Хизматлар лицензияланган.



ОКТАБР

0

1



«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси

UZTELECOM

Хоразм филиали жамоаси

**Зиё ва маърифат аҳли бўлган
жонкуяр, фидойи устозларни
қутлуғ айём – Ўқитувчи ва
мураббийлар куни билан
муборакбод этади!**



**Фан боғининг боғбонисиз, чароғбонсиз кўнгилга,
Минг эҳтиром ўғлингиздан, қизингиздан, устозлар.**

**Байрамингиз
қутлуғ бўлсин!**

Хизматлар лицензияланган.





«Чортоқ санаторийси»

масъулияти чекланган жамияти жамоаси



Барча устоз ва мураббийларни 1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар кuni билан чин дилдан табриклайди!

Зиё ва маърифат улашишдек шарафли касбга бўлган садоқат сизларни ҳеч қачон тарк этмасин. Эртамиз эгаларига билим ва тафаккур улашишдан ҳеч қачон чарчаманг!



Айём қутлуғ бўлсин, азиз устозлар!



ЛАТИФАЛАР

Коронавирусни бир сонияда аниқлайдиган тест

Хайдовчилик гувоҳномаси олишга имтиҳон топшириб келган хотинидан эри сўрабди:

— Хўш, нима бўлди? Топширдингми?

— Йўқ! - дебди хотини.

Эри:

— Қовун тушурдингми? — деса, хотини:

— Қовун эмас, дарахт тушди. Мўрт экан, машинам тегиб кетганди, тушиб кетса бўладими? — дебди.

☺ ☺ ☺

— Коронавирусни аниқлайдиган тест

жуда-ям тез ишлар эканми?

— Ҳа, 1 сонияда бизни клиникамиз сизда коронавирус бор-йўқлигини аниқлаб беради.

— Қандай қилиб бунча тез?

— Аввал ўзимиз уни сизга юктириб, кейин «100% бор!» деб айтаверамиз бемалол.

☺ ☺ ☺
Эшик тақиллабди. Аёл очса, бир йигит турганмиш.

— Балкон ойналарига панжара ўрнатмоқчийдим, — дебди йигит.

Аёл:

— Ахир бизни уйимизда уста ишляпти, — деса, йигит:

— Ўша менман! Балкондан пастга тушиб кетдим, — дебди.



«Оила даврасида» газетаси тахририяти масъулияти чекланган жамияти

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Касаба уюмлари федерацияси Кенгаши;
Ўзбекистон ёшлар иттифоқи марказий кенгаши;
«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси;
«Ўзбекистон почтаси» акциядорлик жамияти;
«Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси;
Акциядорлик тижорат «Алоқабанк».

Газетада интернет материалларидан ҳам фойдаланилган.
Газета 2012 йил 20 апрелда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0814-рақам билан рўйхатга олинган.
«Шарк» нашриёт-мағбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.

Бош мухаррир

Ҳусниддин
БЕРДИЕВ

Тахририят манзили:

Тошкент шаҳри, 100000. Амир Темура 1-тор кўчаси, 2-уй.

Тел/факс: 234-83-45. E-mail: info@od-press.uz

Газета тахририят компютерида терилди ва саҳифаланди.

Буюртма: Г-1037

ISSN 2181-6190

Обуна индекси — 193

Адади: 1 646 нусха.

Нархи: келишув асосида.

Қоғоз бичими А-3, ҳажми 2 босма табоқ.

Оффсет усулида босилган.

Чоп этишга топширилди: 20:00

ISSN 2181-6190



123456

ИПОТЕКА BANK

*— Азиз ва мўътабар
устозлар, барчангизни
Ўқитувчи ва мураббийлар
куни билан чин
кўнгилдан қутлаймиз.*

*Илм-фан тараққиёти,
фарзандларимиз камоли,
юртимиз равнақи йўлида
олиб бораётган машаққатли
ва шарафли ишларингизга
омад ёр бўлсин!*

